O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta | 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 16-avgust • № 34 (3667)

ОЗОД ВАТАН ТАРОНАЛАРИ

Ўзбекистон қўшиқ байрами танловининг якуний босқичида



Мана етти йилдирки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан мамлакатимиз вилоятлари ва вазирликлар тизимлари бўйича Ўзбекистон қўшиқ байрами танловлари ўтказилиб келинмоқда. Бир неча босқичда ўтаётган бу қўшиқ байрамлари шарофати билан ҳар йили кўплаб бадиий жамоалар ва истеъдодли ёш хонандалар кашф этилмоқда. Озод Ватан ва Она юртни, фидойи халқимизни улуғловчи янги-янги қўшиқлар, тароналар яратилмоқда.

Кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон қўшиқ байрами танловининг якуний босқичи бўлди. Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаров мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигига бағишланган Ўзбекистон қўшиқ байрами якуний босқичи қатнашчиларини қутлаб, Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган бу байрамда мамлакатимизнинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган фуқаролари, барча санъат ихлосмандлари иштирок этаётганини алоҳида таъкидлади. Байрамга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида ёшларни миллий истиқлол ва ватанпарварлик руҳида камол топтиришга ҳисса қўшадиган тароналар миллий қўшиқчилик хазинамиздан муносиб ўрин олди.

Бу йилги танлов ҳам бундан мустасно эмас. Вилоятлар ҳамда вазирликлар тизимларида ўтган қўшиқ байрамлари танловларининг ғолиблари ўзларининг энг сара қўшиқларини Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров раҳбарлигидаги ижодий ҳайъат ва мутахассислар, томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар. Вилоятлари бадиий жамоалари ва ҳаваскорлари тайёрлаб келган дастурлар орасида Дилдора Каримова (Сурхондарё) ижросидаги "Шода мунчоқ", Салимжон Каримов (Қашқадарё) ижросидаги "Ўзбекистон", Нодирбек Зоитов (Тошкент вилояти) ижросидаги "Ватан меҳри" қўшиқлари алоҳида эътирофга сазовор бўлди.

Вазирликлар тизимлари бўйича эса Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бадиий-мусиқий жамоаси ижросидаги "Юртга биздек авлод керак" (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги), "Севинч" вокал-мусиқа студияси қатнашчилари ижро этган "Тинчлик бўлсин" (Халқ таълими вазирлиги), Турсуной Жўраева (Маданият ишлари вазирлиги) ижросидаги "Ватан сотилмас", Шуҳрат Дадажонов ва Марат Ҳакимовлар (Мудофаа вазирлиги) ижросидаги "Она юрт" ва бошқа ашулалар катта эътибор билан тингланди.

Танлов ғолибларининг номлари 18 август куни "Халқлар дўстлиги" саройида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн бир йиллигига бағишланган Ўзбекистон қўшиқ байрами танлови ғолиблари ва санъат усталари иштирокидаги гала-концертда эълон қилинади.



БУЮК БРИТАНИЯГА, ЎҚИШГА...

2

1997 йили Президентимиз Фармони билан иқтидорли ёшларнинг чет элларда таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Умид" жамғармаси ташкил этилган эди. Хўш, жамғарма беш йилда қандай ишларни амалга оширди? Ўз олдига қўйган вазифаларни қай тарзда рўёбга чиқармоқда. Мухбиримиз жамғарма ижрочи директори Музаффар Зиёев билан шу ҳақда суҳбатлашди:

«УМИД» НИҲОЛЛАРИ

— Ўтган давр мобайнида жамғарма йўлланмаси билан 785 нафар йигит-қиз ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларига бакалавр ва магистрлик даражасини эгаллаш учун ўқишга юборилди, — дейди Музаффар Қутлуғович. — Жумладан, АҚШга 343, Буюк Британияга 293, Германияга 79, Францияга 32, Японияга 20, Канадага 11 ва Италияга 7 нафар талаба жўнатилди. Бу йил улар сафига яна 43 нафар йигит-қиз қўшилди.

Талабаларимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда устувор бўлган иқтисодиёт, бизнес, менежмент, халқаро ҳуқуқ, информацион технология, қишлоқ хўжалиги, экология, кончилик, журналистика, мусиқа, меъморчилик каби ўттиздан ортиқ йўналишлар

Давоми иккинчи бетда

1991-2002

«Навоий — Учқудуқ — Нукус» темир йўли ҳам биз орзу қилиб яшаётган буюк келажакка пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

БУЮК КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

«Навоий — Учқудуқ — Нукус» темир йўлида йўловчи поездлар қатнови йўлга қўйилиши арафасида

2001 йилнинг 21 майи. Бунёд этилаётган янги йўл бўйлаб ижодий сафарга отланарканмиз, муҳтарам Президентимиз томонидан айтилган юқоридаги қанотли сўзлар ҳар биримизнинг қалбимизга мислсиз ғурур ва ифтихор бахш этиб турарди. Зеро, Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган улуғ бунёдкорлик ишлари — Қамчиқ довонидаги муҳташам автотрасса, Ғарбу Шарқни боғловчи Буюк Ипак йўлининг тикланаётгани, поёнсиз Қизилқумни кесиб ўтган "Навоий — Учқудуқ — Нукус" темир йўли, мамлакатнинг нефт мустақиллигини таъмин этаётган замонавий саноат корхоналари, бойлигимизга бойлик қўшаётган олтин саралаш заводлари тимсолида халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқаётганига гувоҳ бўлиш — озод Ватаннинг ҳар бир фуқароси учун ниҳоятда фараҳбахшдир. Биз қураётган буюк келажакнинг жамоли ҳам мана шундай улуғ иншоотларда юз кўрсатаётир.

Одамлар мамлакат ҳаётидаги ҳар бир янгиликка унинг ўз турмушига кўрсатадиган таъсирига қараб баҳо берадилар. Шу маънода бир йил аввал Учқудуқ ва Нукус шаҳарлари томонидан тортиб келинган пўлат излар бирбирига туташтирилиши билан юк поездларининг қатнай бошлагани ва эндиликда — Мустақиллик байрами арафасида Тошкент ва Нукус шаҳарлари ўртасида янги трасса орқали йўловчи поездлар ҳаракатининг мунтазам йўлга қўйилиши мамлакатимиз иқтисодиёти ва маънавий тараққиётида янги саҳифалар очиши шубҳасиздир.

Аввало, бу янги темир йўл Тошкентдан Нукусгача бўлган масофани анчага қисқартиради. Бунинг устига бундан буён поездларнинг қўшни республика ҳудуди орқали айланиб юришига ҳожат қолмайди. Бир мамлакатдан иккинчисига ўтиш ёки кириш чоғида бўладиган божхоначилар текшируви учун кетадиган вақт тежалади, ортиқча кутишлар барҳам топади. Бу ҳам вақтдан беш-олти соат ютиш деган гап.

Ҳали бу ҳаммаси эмас. Бундай улкан қурилишнинг салмоғини тасаввур этиш учун дастлабки ҳисоб-китобларнинг ўзи етарли. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига юк ташувчи ва йўловчи поездлар янги темир йўл билан тўғридан-тўғри ўз юртимиз ҳудудидан бориши яқин келажакда ҳар йили ўртача 78,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тежаш имконини беради. Қитъаларни боғловчи бу йўлдан бошқа давлатларнинг ҳам фойдаланиши эса унинг аҳамиятини янада оширади. Иккинчидан, Қизилқум бағрида янги корхоналар қурилиши, янги ерлар ўзлаштирилиши, темир йўл шаҳобчаларига хизмат кўрсатиш тармоқларининг вужудга келиши ҳисобига минг-минглаб янги иш жойлари очилаётир. Яна бир жиҳат ҳам бор: Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг Оврупога яқин минтақаси. Оврупо эса жаҳон билан боғланган. Демак, дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари янада фаоллашади.

Қисқа қилиб айтганда, янги темир йўл Қизилқумнинг жон томиридир. У бепоён саҳрога, Оролбўйига қайтадан жон ато этади, мамлакат салоҳиятини мислсиз даражада оширади. Бу улкан қурилишнинг маънавий жиҳатини кўз олдингизга келтирганда эса, бутунлай янги манзаралар кўзингизни қувонтира бошлайди. Биз ўтган йилги сафаримизнинг иккинчи куни — янги темир йўлдан Учқудуққа етиб борганимизда шаҳарнинг муҳташам маданият саройида бўлиб ўтган шеърият анжуманида "Янги темир йўлнинг илк шарофати — ёзувчиларнинг шаҳримизга ташриф буюриши бўлди", дея айтилган эътирофлар ҳали-ҳали эсимизда. Бу эътирофлар қалбимиздаги эзгу туйғуларга қанот бағишлагани рост. Мана ўша учрашувда ўқилган шеърлар:

Ястаниб ётибди бунда Қизилқум,
Халқимиз бағридек кенг ва бепоён.
Букун чекинмоқда бир асрий уйқу,
Барханларга букун кирмоқдадир жон.

Денгизнинг мавжлари қайтмоқда гўё,
Одамлар кўзида меҳру ташналик.
Фарҳодлар кимлигин англасин дунё,
Биз энди қайтадан яшай бошладик.

Қаро ер қўйнидан тиллоларимиз
Чиқишга чоғланар заррама-зарра.
Оллоҳга етгудек нидоларимиз
Иймонни пок тутса эл-юрт агарда.

Гарчанд Орол букун хаста тан каби —
Бироқ саҳро узра унинг мавжи бор.
Бунда тикланмоқда олами кабир,
Барига сабабчи ўзинг, Истиқлол!

Биз Ватан ҳақида кўп гапирамиз, кўп ёзамиз. Унинг қудрати ва буюклигига қиёслар ахтарамиз. Лекин қиёсларнинг энг гўзали — Ватаннинг ўзидир! Ватанда амалга оширилаётган улуғ ишларнинг ҳеч бир қиёси йўқ. Етти йил аввал Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолиги остида қуриб фойдаланишга топширилган Учқудуқ тоғ-металлургия заводи ҳам ана шундай қиёсу таърифларга сиғмайди. Уни бир бориб кўриш — нақадар катта бахт. Негаки, бу корхонанинг ўзи бир мўъжиза. Бу ерда ўзбек олтини сараланади. Бу ерда мамлакат бойлиги яратилади. Олтиннинг мамлакат куч-қудратини таъмин этишдаги аҳамияти эса барчамизга аён. Энди Қизилқум узра янги йўллар тармоғи равнақ топгач, бундай корхоналаримиз сони ҳам, уларда Ватан бойлигига бойлик қўшаётган ёшлар сафи ҳам янада кенгаяди.

Ушанда Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан "Навоий — Учқудуқ — Нукус" темир йўли қурилишига ижодий сафарга йўл олган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг ижодий гуруҳи аъзолари — Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Усмон Азим, шоирлар Баҳром Рўзимуҳаммад, Ислом Ҳамро, Саттор Қорабоев мустақил Ўзбекистоннинг янги манзаралари билан танишар эканмиз, она Ватаннинг бор қудратини кўриш нақадар мароқли ва ҳайратланарли эканлигини қайта-қайта ҳис этар эдик. Оқсоқол шоиримиз Жуманиёз Жабборов эса Учқудуқ шаҳри меҳнаткашлари билан

Давоми иккинчи бетда



ОҚСОҚОЛ АДИБЛАР ЭЪЗОЗДА

Ёзувчилар уюшмасида

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг навбатдаги йиғилишида Мустақилликнинг ўн бир йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқинда матбуотда эълон қилинган "Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муносабати билан ижодкор зиёлилар олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Уюшма раиси Абдулла Орипов энг азиз ва энг улуғ байрамимизни муносиб кутиш олиш учун бунёдкор халқимиз, шу жумладан, ёзувчилар, ижодкор зиёлилар амалга ошираётган хайрли ишлар, Ватан ва мустақиллик мавзуидаги, шунингдек, халқимизнинг маънавий камолотига хизмат қиладиган асарлар яратиш йўлида олиб борилаётган ижодий изланишлар хусусида сўз юритди. Китоб савдоси тизимини янада такомиллаштиришга доир қарор эса китоб ва китобхон ўртасидаги муносабатни тиклаб, адабиётнинг гуркираб ривожланиши ва халқимизнинг маънавий камолотига кенг йўл очади, бадиий асарларнинг ўқувчилар қўлига тез бориб етишини таъминлайди. Шу муносабат билан жойларда китобхонлар ва адибларнинг учрашувларини янада жонлантириш, уюшма қошидаги бадиий адабиёт тарғиботига доир тузилмалар ишини қайта қуриш зарурлигига эътибор қаратилди.

Фаоллар йиғилишида яқинда Зомин тоғларидаги Ўриклисой дам олиш масканида Ёзувчилар уюшмаси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган ёш ижодкорларнинг анъанавий семинар кенгаши натижалари ҳақида ҳам сўз борди. Бу ҳақда уюшма раисининг ўринбосари, шоир Сирожиддин Сайид ахбороти тингланди. Уч кун давом этган анжуманнинг қизғин ижодий муҳокамаларида қўпгина ёш истеъдодлар устозлар назарига тушди. Шеърият, проза ва публицистика шўъбаларидаги маҳорат синовларида ўзини намоён этган ёш истеъдодлар мукофотларга сазовор бўлди. Уларнинг энг пешқадамлари уюшма аъзолигига тавсия этилди. Эндиликда анжуман қатнашчиларининг ижод намуналарини "Зомин туҳфалари" каби тўпламлар ҳолида нашр этиш тадбирлари ҳам кўрилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, ҳукумат қарорига биноан Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Муҳаммад Юсуф хотираси абадийлаштирилганлиги ҳам айтилди. Бадиий наср кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров уюшмада муҳокамадан ўтган янги проза асарларининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида сўзлади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат", ёш адиб Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" романлари, шунингдек, адиба Дилбар Саидованинг янги проза асарлари китобхонлар эътиборини тортиши, шубҳасиз.

Фаоллар йиғилишида андижонлик ҳажвчи адиб Ҳабиб Сиддиқ, сурхондарёлик адиба Жамила Эргашева, шунингдек, Зоминда бўлиб ўтган семинар-кенгаш тавсиясига биноан шоирлар Зилола Хўжаниёзова ҳамда Усмон Бек уюшма аъзолигига қабул қилиндилар. Уюшма раиси Абдулла Орипов, оқсоқол адибимиз Саид Аҳмад ва бошқа ижодкорлар уюшманинг янги аъзоларини самимий қутлаб, уларга оқ йўл тиладилар.

Шундан сўнг уюшма ҳовлисида бир пиёла чой устида "Қариялари қадрлаш йили" муносабати билан "Кекса адиблар жамоатчилик эъзозида" мавзуида давра суҳбати бўлди. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси Аъзамхон Гадойбоев, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов кекса адибларимизга сиҳат-саломатлик, ижодий куч-ғайрат тиладилар. Тошкент вилояти "Маҳалла" жамғармаси эса уларни совғалар билан тақдирладилар.

Таниқли актриса ва шоира Раъно Ярашева файзли дастурхон атрофида олиб борган давра қуйқўшиққа уланди. Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб ўқувчилари Миразиз Озодов ва Хуморахон Раҳмонбердиева халқимизнинг маънавият дурдоналаридан намуналар айтиб, шеърлар ўқиб адибларимизни хушнуд этдилар.

БУРГУТЧА ПАРВОЗ

Бир замонлар орзуманд аждодларимиз ўз идеалларини учар гиламлар ҳақидаги эртаклар орқали ифодалашган. Уларнинг хаёлий қаҳрамонлари афсонавий учар гиламларга ўтиришиб, ғаройиб ҳодисаларни амалга оширишган. Бу хаёлий ҳодисаларда фақат эзгу мақсадлар кўзда тутилган бўлиб, вақтдан ва масофадан ютиш, аниқроғи, узоқ масофага бир зумда учиб бориш орзу қилинган.

Бугунги авлод учун эса бу орзу эмас, оддий ва одатий кўникма, холос. Чунки умрида бир бор бўлса-да самолётда учмаган одам кам топилса керак. Бироқ учиш билан учишнинг фарқи бор — бамисоли чумчуқ билан бургутнинг парвози каби.

Чиндан-да 25-30 йўловчи билан икки вилоят оралиғида учадиган "Як-40" русумли самолёт олдида 207 нафар йўловчини океан ортига элтиб қўяётган замонавий "Боинг-767" самолётини бургутга қиёс қилиш мумкин. Энг кўп учиш оғирлиги 186 тоннагача бўлган бундай улкан парвозлар аслида мустақиллигимизнинг жаҳон узра ёйилаётган пўлат қанотларидир. Зеро, мустақиллик йилларидагина ана шундай қудратли самолётлардан иккитаси, 162 йўловчига мўлжалланган "Боинг-757"дан учтаси, яна шунча "А-310" аэробуси 170 нафар йўловчини бир рейсда дунёнинг турли шаҳарларига зумда элтиб қўймоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз замонавий самолётлар парки бўйича МДҲ давлатлари ичида Россиядан кейин иккинчи ўринда туради. Салобатли "Боинг"ларда 1999 йилдан буён ҳаво кемаси сардори бўлиб ишлаётган моҳир учувчилардан бири Баҳром Норхўжаевдир.

Давоми иккинчи бетда

ЎЗ ИШИНИ ИШЛАГАЙ МОҲИР КИШИ...

Акс=садо

"Исо мўъжизаси" ҳикоятида ёзилишича, Исо пайғамбарга бир киши илтимос қилди: "Эй Аллоҳнинг руҳи, ўликка ўқиса тирилтирадиган дуони менга ўргатишингни тилайман". Исо пайғамбар уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлди, лекин у киши албатта ўргатиши кераклигини айтгач, бахиллик қила олмай ўргатди. У киши дуони ўрганиб олгач, йўлда бир ҳовуч суякка кўзи тушиб қолади ва дуони ўқийди. У арслон суяклари бўлиб, тирилган арслон уни тилка-пора қилиб ташлайди. Шу сабабдан ушбу мақолни айтадилар:

Ҳар бир эр иш учундир,
ҳар бир иш бир эр учун,
Маслаҳат ул: ўз ишини
ишлагай моҳир киши.

Бу ҳикоятни келтиришдан мақсад, "Сценарийни ким ёзади" ("Ўз АС" 19-июл, 2002 йил) мақоласида кўтарилган масалаларга донолар ўгити билан жавоб бериш. Ҳақиқатан, ҳар ким ўз ишининг устаси бўлса, бир ўзим бир неча ишни уддалайман деб кибру ҳавога берилмаса мақсадига етади. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Сценарийни сценарийчи ўзи ёзадими, режиссёр ёзадими, адиб ўзича ёзадими ёки ҳамкорликда ёзадими,талаб битта — профессионал даражадаги янги кино асари бўлиши керак," деган фикрига бироз қўшилмайман.

Менимча, режиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг ҳам фикри бир ёқлама. Мен мутахассис эмасман, аммо кўрган ва кўраётган бадиий филм ва видеофилм, саҳна кўринишлари орқали айтишим мумкинки, аввало бадиий асар кучли бўлиши керак. Киносценарийчи зўр бадиий асарни кино учун танлай билиши, ёзувчининг мақсадини тўғри англай олмоғи лозим. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", Саид Аҳмаднинг "Келинлар қўзғолони", Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема", Тоғай Муроднинг " Отамдан қолган далалар", "От кишнаган оқшом", Хайриддин Султоновнинг "Ёзнинг ёлғиз ёдгори", Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" асарлари асосида тайёрланган бадиий филм ва видеофилмларнинг муваффақияти ва халқимизга манзур бўлганининг сабаби, аввало, ёзувчи маҳорати ва қолаверса, режиссёр истеъдоди тўла намоён бўлганида. Агар кучли бўлмаса, режиссёр кўнгилдагидек кино яратолмайди. Мен Шуҳрат Аббосовнинг "Шуларни қила олмасанг, асарни қийнама" деган таъкидларига тўла қўшиламан. Чунки асарнинг ғояси кинода тўла ечилиши керак. Шу кунларда машҳур режиссёрларимиздан бири Одил Ёқубовнинг "Қайдасан, Морико?" ҳикоясини жуда кинобоп экан-ку, деб ишга киришмоқчи экан. Қаранг, шундай машҳур ёзувчимиз бу ишга ҳакамлик қила олмайман, дебдилар. Ҳикоя ҳақиқатан юрагингизни "жиз" эттиради. Лекин бу ҳикоя асосида кино яратишни ёзувчи характерини чуқур билган, бошидан муҳаббат савдосини ўтказган, адабиётни теран ҳис эта олган режиссёр ва актёрларгина уддалаши мумкин.

Ойнаи жаҳонда "40 тоғаранинг 40 ноғараси" кўп қисмли видеофилм намойиш этиляпти. Актёрлар маҳорати ҳақида гапирмайман, улар ўзларига берилган ролни яхши ижро этишяпти. Аммо сценарий ҳаёт ҳақиқатидан йироқ. Академиклнинг хотини Вазира — тадбиркор, юртма-юрт юриб дугоналарига арзон мол олиб келади. Ўйлаб кўринг, хотин тадбиркор бўлиб, кўп вақти сафарларда ўтса, эр қандай қилиб академик бўлган?! Ҳаётда профессор ва академикларнинг умр йўлдошлари бутун умрини оиласига бағишласагина эри бирор мартабага эришади-ку. Академик номзодлик ишини ёзаётганда ёки докторлик ҳимояси билан банд бўлганда турмушнинг барча ташвишларини хотин ҳал қилади-ку! Шундай машҳур академик, маҳалла оқсоқолининг умр йўлдоши тадбиркор бўлиши, менимча, ҳақиқатга тўғри келмайди. Ёки аёллар "гап"ига аввалдан қўшилган Хайринисонинг уйига тўй келаётган кун улфатлари бошқа уйда — Зарифахонникида гап ўтказадиларми? Албатта, гапдаги ҳамма аёллар тўйда бўлишлари керак-ку! Тўй қолдирилаяпти, қудалар кафеда бир-бирини кутиб ўтириши-чи?

Сценарий бўш ёзилгани учун энсангиз қотади. "Дилхирож" филми "Чимилдиқ" спектаклини эслатди... Тўғри, бу филмларни гўзал табиат манзаралари, қўшиклар, актёрлар маҳорати туфайли кўрасиз, филм тугагач эса, қалбингиз ҳувиллаб қолади. Яхши бадиий асарни ўқиганда эса неча кунлар ўзингизга келолмайсиз, шу асар таъсирида юрасиз. Филмларимиз ҳам шундай таъсир кучига эга бўлса яхши бўларди.

Демак, сценарийни ёзувчи билан ҳамкорликда ёзиш керак. Асарга ўзгаришларни ҳам ёзувчи розилиги билангина қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
ўқитувчи

БУЮК КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР





Боши биринчи бетда

бўлиб ўтган ҳаяжонли учрашув ҳамда олтин заводи билан танишув, шу корхона мутахассислари билан мулоқот лаҳзаларидан кўп ўтмай ён дафтарини ашъорларга тўлдириб ташлаганди:

ОЙДИНОЙ АЙТГАН СЎЗЛАР

Учқудуққа борсанг агар
Кўрарсан чин олтинни.
Бухоролик шўх Нилуфар,
Марғилонлик Ойдинни.

Бири водий нафасини
Олиб келмиш бу ёққа.
Бири саҳро сафосини
Сингдирар зар бўёққа.

Гулнор агар Қарши қизи,
Урганчдандир Шоҳсанам.
Бўстон бўлар боғган изи,
Гул униб қадам-қадам.

Ойдин дейди: — Келдик бу ён
Иштиёқ, вафо ила.
Учқудуқни этдик макон
Бир гуруҳ ёш оила.

Нолимасмиз чўлда асло,
Яратганга минг қуллуқ.
Бизга тақдир бўлмиш саҳро,
Саҳро қалби — Учқудуқ!

Бизлар опа-сингил гўё,
Овсин, қуда-қудағай.
Севги деган нурли дунё
Бизни бахтга чулғагай.

Тўйимиз бир, ўйимиз бир,
Бир илдизмиз, бир япроқ.
Бир-бировсиз тўкис бўлмас
Ўзбегу қорақалпоқ.

Кошоналар, корхоналар
Бизлар учун хизматда.
Минг шукрки, ҳаммамиз ҳам
Ҳурматдаю иззатда.

Майли синов этсин аёз
Қаҳратон ила буюк.
Лекин сўнмас дилда ихлос,
Тақдиримиз — Учқудуқ!

Майли, ёқиб бор тандирин,
Офтоб чўғ сочсин қуюқ.
Ким севмайди ўз тақдирин,
Тақдиримиз — Учқудуқ!

Куёвларми? Юришибди
Шу чўл билан беллашиб.
Ботмон-ботмон қум тупроқдан
Тоза олтин элашиб.

Ширин-шакар фарзандлар бор,
Исми Фарҳод, ё Ширин.
Фарзандларни қутлар диёр,
Юртбошим бериб меҳрин.

Акс этгандай зилол сувда
Бепоён мовий осмон.
Ишлаётир Учқудуқда
Бутун бир Ўзбекистон.

Янги темирйўлни янги асрнинг энг қўламдор қурилиши сифатида таъриф этгандик. Бу бежиз эмас. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси Капитал қурилиш ва техникавий қайта қуролланиш дирекцияси бошлиғи ўринбосари Юнус ака Жаъфаровнинг гувоҳлик беришича, бу қурилишга "Ўзтрансқурилиш" давлат ассоциациясининг қуйи ташкилотлари таркибига кирувчи 3-, 260-, 624-қурилишмонтаж поездлари ва "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик компаниясининг 17-, 203- ва 279-йўл машина станциялари жалб қилинган. Собиқ иттифоқ вақтидаги темир йўл ўн икки йил ичида қуриб битказилган экан. Янги Учқудуқ — Мискин — Султон Увайстоғ темир йўли эса атиги беш йил ичида қуриб битказилди.

23 май, тонг маҳали Қизилқум юрагидаги "Учқудуқ — II" вокзалидамиз. Бу манзилда йўлнинг чап тарафида бошланган янги темирйўл Қизилқумнинг жанубига ўқдек кириб кетганини кўрдик. Яна бир-икки дақиқадан сўнг мана шу йўл билан Амударё соҳилидаги "Мискин" станциясига ва ундан кўҳна Жайҳуннинг ўнг соҳили бўйлаб тортилган янги темир йўлдан Тўрткўл ва Элликқалъа, сўнг Султон Увайстоғ ва Нукусга боришимиз керак. Илгари бу жой боши берк кўчани эслатувчи бир манзил бўлган. Энди эса — XX асрнинг сўнгги куни Қизилқумнинг қоқ марказидаги Бузовбой бекатида Учқудуқ ва Мискин тарафдан тортиб келинган темир йўл излари бир-бирига туташтирилгач, бу манзил юк поездларини қабул қиладиган ва янги манзилларга кузатиб қўядиган улкан бекат бўлиб қолди. Ўшанда йўл созлаш ускуналари ортилган кичик поездлар, мамлакат пойтахти ва марказий худудларидан Қорақалпоғистон ва Хоразмга йўл олган ёки қайтаётган юк поездлари тўхтовсиз ўтиб турарди. Бугун эса у мамлакатнинг гавжум чорраҳаларидан бирига айланаётир.

Учқудуқ — II бекатидан бошланган ижодий сафаримизнинг иккинчи куни таассуротларга янада бой бўлди. Майлисай, Бузовбой бекатларини қураётган, бу бекатлардаги ёндош йўлларни барпо этаётган йўлсоз қурувчилар билан ҳамсуҳбат бўлиш янада мароқли эди. Негаки, улар Ватаннинг янги йўлларини бунёд этишаётир. Сахро шароитининг турфа инжиқликларига қарамай мардлик ва матонат кўрсатиб, Қизилқум бағрини гавжум манзилгоҳларга айлантиришмоқда.

Улар қурган обод йўллардан бутун мамлакат ўтади. Наинки, мамлакат, замонлар, даврлар ўтади. Мамлакатнинг салоҳиятига салоҳият қўшилади. Қизилқумнинг жон томири деб аталаётган пўлат излар фақат саҳронинг ўзигагина эмас, унинг бағрига турфа манзиллардан келиб ишлаётган, муҳташам темирйўл бекатлари, темирйўлчилар учун уй-жойлар, ёрдамчи иншоотлар барпо этаётган одамлар тақдирида ҳам бурилиш ясамоқда.

Чўпонлик таёғини ташлаб, темирйўлчига айланган Жўлимбет Қалабоев, Пасдарғомнинг Жағалбойли қишлоғидан Қизиқумга келган Суннатулла Урдушев, бекободлик Илҳом Холматов, учқудуқлик Кенжегали Жиянқуловлар бугун темирйўлчилик касбини танлаб Ватан хизматига камарбаста эканидан фахрланишади.

Бекарс Бозоров эса саҳронинг қоқ марказидаги Майлисай бекатида темирйўл атрофини қум кўчкилари босишидан асровчи катак-катак иҳотазорлар, саксовулзорлар бунёд этаётганини кўриб ҳайратларга тўлдик. Уларнинг ҳар бири фидоий, ҳар бири қаҳрамон. Янги темирйўл фақат одамлар тақдиридагина эмас, юзлаб йиллар мобайнида поёнсиз саҳро тўфонларига юзмаюз яшаётган қирқ уйли Бузовбой сингари одамзод манзиллари тақдирига ҳам ўзгариш киритмоқда. Бузовбойнинг ёши тўқсондан ошган қарияси Даме момо Исмоилова айтган мана бу сўзлар ҳамон ёдимизда:

— Саксон саккизинчи йили асфалт йўл келди, тўқсонинчи йили электир келди. Мана энди кўликли бўлдик — пойиз ҳам келди...

Бугун бузовбойлик ёш йигитлар темирйўлчилик касбларига ўқиб, поездларни кутиб олишаётир. Саҳронинг ҳар икки тарафига қараб кетган пўлат излар атрофини обод қилиб, ўз манзилларига янги ҳаёт бахш этишмоқда. Эҳ-ҳе... Учқудуқдан Нукусгача бўлган манзиллар оралиғида Бузовбой, Бургутли, Мискин сингари қанчадан-қанча янги бекатларда яшаётган аҳоли бугун Тошкент ва Нукус ўртасида қатновчи йўловчи поездларни интизорлик билан кутишмоқда. Улар бу кунни яқинлаштириш учун саҳронинг изғиринли совуқлари, саратон жазирамаларини назар-писанд қилмай фидойилик кўрсатишди. Чунки бу йўл улар сингари қанчадан-қанча одамларнингг турмушига файз олиб киради. Чунки бу йўл чинакам ҳаёт йўли бўлади.

Қизиқумнинг жон томири сифатида довруқ қозонаётган Ватанимизнинг янги йўллари ўз йўловчиларини кутмоқда.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

БУЮК БРИТАНИЯГА, ЎҚИШГА...

Озод Ватан одами

Боши биринчи бетда

Дастлабки тасаввур ёлғончи бўлади, дейишади. Мен ҳам Бекзодни биринчи кўришимда бирор институтнинг талабаси бўлса керак, деб ўйлагандим. Суҳбатлашгач, билдимки, у "Ўзуйжамғармабанк"нинг Тошкент шаҳар бўлимида ишларкан. Ёши ҳам йигирма бешдан ошибди. Ишдан ажралмаган ҳолда тайёрланиб, "Умид" жамғармасининг грантини ютибди. Энди бир йил давомида Буюк Британиянинг Лабаро университетининг магистратурасида молия ва менежмент мутахассислиги бўйича таҳсил олади.

— Чет элда ўқиш азалий орзуим эди, — дейди Бекзод. — 1998 йилда "Умид" жамғармаси танловида қатнашган эдим. Лекин омадим чопмаганди. Мана, ниҳоят орзуимга эришдим.

Бекзод Абдуллаев 1977 йилда Тошкентда туғилган. Шайхонтоҳур туманидаги инглиз тилига ихтисослашган 102-мактабни тугатгач, Тошкент иқтисодиёт университетига ўқишга кирди. 1999 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатиб, "Заминбанк"да иш фаолиятини бошлайди. 2001 йилнинг июлидан буён "Ўзуйжамғармабанк"нинг Тошкент филиали халқ хўжалиги ташкилотларига хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи.

— Ишлар экансиз. Грантни ютиш осон бўлмагандир?

— Жон чекмасанг, жонона қайда, деган мақол бор халқимизда. Меҳнат қилмасангиз, албатта, бирор ютуққа эришиш қийин. Инглиз тилини дастлаб мактабда ўрганганман. Университетда ўқиб юрганимда ҳам тил ўрганиш билан мунтазам шуғулландим. Инглиз тилини мукаммал ўрганишимга 1997 йилда университет йўлланмаси билан АҚШнинг Нью-Йорк университети тил ўрганиш курсида олган билимим катта ёрдам берди. Мен у ерда бир ярим ой бўлдим. Лекин кўп нарсани ўргандим.

Ўтган йилнинг ноябр ойида "Умид" жамғармаси танлов эълон қилган эди. Шундан сўнг ҳар куни тўрт-беш соат мустақил тайёргарлик кўрдим. Мутахассислигим, маънавият ва маърифатга доир юзлаб китобларни ўқиб чиқдим.

Англияга ўқишга бораётганимдан уйдагиларнинг боши осмонда. Айниқса, отам билан онамнинг қувонганини кўрсангиз.

— Апрел ойида уйланган экансиз. Сизнинг Англияга кетаётганингиздан келин унчалик ҳам хурсанд эмасдир, — ҳазиллашдим Бекзодга.

— Билмадим. Ҳозирча таътилда келаман, деб ваъда бердим. Қолаверса, бир йил нима деган гап. Илгари момоларимиз турмуш ўртоқларини фронтга кузатиб, беш-ўн йиллаб кутишганку. Мен фронтга эмас, ўқишга кетаётган бўлсам. Шунинг учун ҳам "Умид" грантини ютганимдан турмуш ўртоғим Камола хурсанд. У ёшлар билимини ошириши зарурлигини яхши тушунади. Ўзи ҳам ҳозир Тошкент педагогика университетининг тўртинчи курсида ўқияпти.

Бекзод отасининг йўлини танлаган. Абдуҳафиз ака "Дероз" хусусий қандолатчилик фабрикасида бош ҳисобчи. Онаси Барно опа эса Собир Раҳимов туманидаги 49-оилавий поликлиникада бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди.

— Оилада уч фарзандмиз, — дейди Бекзод. — Қондан ўтганми ёки оилавий муҳит таъсирими ҳаммамиз китобга меҳр қўйганмиз. Билим олишга иштиёқимиз баланд. Синглим Зебо бу йил Педагогика университетини тугатди. Укам Озод Тошкент Техника университетига ўқишга кирди. У ўтган йили ЮНЕСКОнинг грантини ютиб, Франция ва АҚШда билимини ошириб келган эди.

Бекзод ҳарф ўргатган, иш ўргатган устозларини меҳр билан эслайди.

— Биринчи ҳарф ўргатган устозни унутиб бўладими, — дейди у. — Менинг биринчи ўқитувчим Сайёра опа Аъзамова бўладилар. Иш ўргатган устозларимдан ҳам миннатдорман. "Заминбанк"да Алфира Муллаянова, "Ўзуйжамғармабанк"да Зафар Тўйчиев менга устозлик қилди. Банк иши сирасорларини ўргатишди...

Бекзод билан хайрлашар эканман, бу серғайрат йигитнинг ўқишларига муваффақият тиладим. Ишончим комилки, у Буюк Британиядек мамлакатда Ўзбекистон деган юртнинг фарзанди, Амир Темур, Улуғбек, Беруний, Ибн Сино, Навоий каби буюк зотларнинг авлоди эканлигини намоён эта билади.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ

«УМИД» НИҲОЛЛАРИ

Боши биринчи бетда

бўйича таълим олишяпти.

Жамғарма гранти совриндори бўлишга эришганлар орасида мамлакатимизнинг 43 олий ўқув юрти, 16 йирик саноат корхоналари, банклар, вазирликлар, илмий тадқиқот институтлари, газета ва журналлар тахририяти вакиллари бор. Бу борада Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини барчага намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Шу кунгача мазкур университет талабаларининг 242 нафари "Умид" грантларига сазовор бўлишди. Шунингдек, Тошкент Давлат техника университетининг 127 нафар, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг 84 нафар талабаси ҳам жамғармамиз йўлланмаси билан ривожланган давлатларнинг университетларида таълим олиб қайтишди. Бундан вилоят олий ўқув юртларида иқтидорли талабалар кам экан-да, деган хаёлга бормаслик керак. Ўтган йилларда биргина Фарғона давлат университетининг 27 талабаси "Умид" грантини қўлга киритди.

Бу кўрсаткични вилоятлар миқёсида кўриб чиқадиган бўлсак, Тошкент шаҳри биринчи ўринни эгаллаб келаяпти. Шу кунгача пойтахтлик 272 нафар талаба чет элларга ўқишга юборилди. Шунингдек, самарқандлик 79, фарғоналик 77, андижонлик 68, наманганлик 58, бухоролик 57 талаба ҳам шундай бахтга муяссар бўлди.

Жамғармамиз грантига даъвогарлар бир нечта синовдан ўтади. Аввало, талабанинг чет тилини билиш даражаси текширилади. Бу ишни хорижлик мутахассислар амалга оширади. Масалан, инглиз тилидан АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти ёки Буюк Британиянинг Британия кенгаши, француз тилидан Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, немис тилидан Германиянинг ДААД ташкилотлари тест асосида имтиҳон олади. Уларнинг тавсияси билан биз талабаларни иккинчи ва учинчи босқич синовларига қўямиз. Иккинчи босқич синов маънавият, маърифат мавзуида бўлади. Унда ўн-ўн беш кишидан иборат ҳайъат аъзолари талабанинг дунёқараши, иқтидорига баҳо берадилар. Энг асосийси, синов ошкора тарзда ўтказилади. Талабгорлар ва ҳайъат аъзолари битта аудиторияга йиғиладилар. Ҳар бир грантга даъвогар ҳайъат аъзолари ва бошқа талабгорлар иштирокида саволларга жавоб беради. Шундай шароитда ким танишининг баҳосини ошириб қўя олади.

Бундан ташқари, ҳайъат аъзолари асосан юртимизнинг кўзга кўринган фан, адабиёт, санъат арбобларидан иборат. Биз уларга ишонамиз. Учинчи тур — мутахассислиги бўйича синов ҳам шундай ошкора тарзда ўтказилади.

Жамғармамиз ҳозирги кунда АҚШнинг АКСЕЛС, Буюк Британиянинг Британия кенгаши, Германиянинг ДААД, Франциянинг КНУС, Канаданинг СБАИ каби таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотлари билан яқин алоқалар ўрнатган.

Албатта, ёшларимизни чет элларнинг нуфузли олий ўқув юртларига ўқишга юбориш яхши. Лекин бу иш катта маблағ талаб қилишини ҳам таъкидлаш зарур. Ўтиш даври қийинчиликларига қарамай Президентимиз, ҳукуматимиз бизни қўллаб-қувватлаб турибди. Сўнгги йилларда иқтидорли ёшларни хорижга ўқишга юбориш билан бирга, чет эллик мутахассисларни мамлакатимизга таклиф этиш, уларнинг маърузаларини, дарсларини шу ернинг ўзида ташкил этиш масалалари ҳам бир неча бор кун тартибига қўйилган эди. Натижада Юртбошимиз ташаббуси билан Тошкентда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер университети очилди. Бу университетда таълим дастури ва йўналишлари Англияда қандай бўлса, Тошкентда ҳам шундай олиб борилади. Дипломи ҳам ўша университетники. Биз бу университетни очиш билан ёшларимизни ўқитиш учун пул сарфлаш эмас, ҳатто пул ишлаш имконига ҳам эга бўлдик. Университетга қўшни давлатлардан, бутун дунёдан талабалар қабул қилинади.. Бундан ташқари, бизда таълим олиш бир неча баравар арзон.

Ҳозирги кунда "Умид" гранти совриндорларининг 519 нафари ўқишларини муваффақиятли тугатиб, келиб, республикамизнинг қатор вазирлик, идора, корхона ва ташкилотларида фаолият кўрсатмоқда.

Шу ўринда яна бир гапни алоҳида таъкидлашни истардим. Талабаларимизни чет элларда ўқиш ва яшашларини молиялаштириш жамғарманинг ҳомийлари томонидан амалга оширилади. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳомийларимизга миннатдорчилик билдираман. Шуни айтишим мумкинки, "Умид" халқимизнинг, Президентимизнинг умидини, албатта, оқлайди.

БУРГУТЧА ПАРВОЗ



Боши биринчи бетда

Қаҳрамонимиз 1958 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Йигирма ёшида Россиянинг Оренбург вилояти Бугуруслан шаҳридаги Фуқаро авиацияси учувчилари билим юртини тугатиб, Жиззахда "АН-2" самолётида иккинчи учувчи вазифасида иш бошлаган. Уч йилдан сўнг самолёт командири бўлган.

1988 йили ўзингирги ЎзМУнинг юридик факултетини сиртдан ўқиб битирган. Ўз тили билан айтганда, "ҳозиргача ўқишда давом" этмоқда. 1991 йили Уляновскда "ТУ-154", 1995 йили Берлинда "А-310", 1996 йили Сиэтлда "Боинг" самолётларини бошқариш бўйича таълим олган. Истиқлолимиздан олдин бундай имкониятларни орзу қилиш ҳам душвор эди. Биринчидан, дунёнинг исталган жойига Республикамизнинг ўзидан бевосита учишга; иккинчидан, бундай замонавий самолётларни сотиб олишга собиқ иттифоқ марказидагилар рухсат беришмасди. Мисол учун, Тошкентдан Деҳлига бормоқчи бўлган одам аввал Москвага 4 соат, кейин у ердан Деҳлига 6 ярим соат учиши керак бўлган. Воҳаланки, Тошкентдан Ҳиндистон пойтахтигача самолёт 2 соату 40 дақиқадаёқ етиб боради. Оқибатда бечора йўловчи 8 соатдан ошиқ вақтини ҳавода бехуда ўтказган. Ортиқча сарф бўлган маблағлари-чи...

Бугунги кунда эса қулайлик ва хавфсизлик хизмати юқори даражада ташкил этилган. Чунки Тошкент аэропорти узра қўнаётган ёхуд учаётган самолётда бегона йўқ: озод юртимиз одамлари ва меҳмонлари, холос. Очеркимиз қаҳрамони Баҳром Норхўжаев ҳам бу ерда — мезбон, чет элда — меҳмон. "Чет эл" деганимиз ҳам аслида — жаҳон. Хусусан, у учган давлатлар, нуфузли шаҳарларни санаб чиқсак ҳам "жаҳон" келиб чиқади. Булар: Англиянинг Лондон, Бирмингэм, Германиянинг Франкфурт, Американинг (Киев орқали) Нью-Йорк, Рим (Италия), Афина (Греция), Истанбул (Туркия), Тель-Авив (Исроил),Шаржа (БАА), Куала-Лумпур (Малайзия), Бангкок (Таиланд), Сэул (Жанубий Корея), Пекин (Хитой), Ҳиндистоннинг Деҳли, Амритсар шаҳарларига доимий рейслар ва Янги Зеландия сингари ҳаво йўналишларидир.

Очиғи, бундан ўн беш йил олдин бир ўзбек ўғлони Ўзбекистонимизнинг байроғи пўлат қанотларига муҳрланган замонавий тайёрани дунёнинг турли манзилларига бошқариб боради, деб ким ўйлаганди. "Чет элга дастлабки учишимизда, — деб эслайди Баҳром ака, — у ерлик диспетчерлар, алоқага чиққанимизда, бизни танимасди. Биласиз, учиш давомида доимий равишда ер билан алоқада бўлиб турамиз. Масалан, самолёт ёки рейс рақамини айтиб, "Ўзбекистон-101" десак, тушунмай "... ало, Пакистан?!" деб ажабланишарди. Ҳозир "Ўзбек..." деб бошлашимиз билан "Ўзбекистон, салом Сизларга!" деб қутлашади.

Бир вақтлар, яъни ўқишдан кейин то 1991 йилгача "АН-2" русумли кичкина, қишлоқ хўжалигига мослашган самолётни бошқарган пайтларим Сирғали йўлига келиб, катта самолётларнинг учишини, қўнишини завқланиб томоша қилардим, — дейди у.

— Мана ҳозир катта самолётларда учяпсиз, таассуротлар қандай? — деб сўрайман ундан.

— Зўр. Касбимни яхши кўраман. Тартиб-интизом қаттиқ. Хато қилишга ҳаққимиз йўқ. Учувчи озгина хато қилса, диспетчер сал бепарволик қилса, булар йиғилиб фожиага олиб келади. Мана, дунё янгиликларини телевизорда кўряпмиз, ҳавода тўқнашиб кетаётган самолётларни...

— Нега шунақа? Осмон кенг бўлса...

— Мен ҳам илгари шундай ўйлардим. Осмон кенг бўлгани билан трассага тўла. Биз Сиэтлда сабоқ олаётганда марказий диспетчер пултидан кўрганмиз: биргина Американинг устида бир вақтнинг ўзида 5500 та самолёт ҳавода бўлар экан. Шунинг учун ҳам учувчи бир лаҳзаям хушёрликни йўқотмаслиги шарт.

— "Боинг" энг узоқ масофага энг кам ёқилғи сарфлаб, кўп йўловчи таший оладиган замонавий самолёт саналади. Унинг яна қандай афзалликлари бор?

— Агар учиш олдидан унинг компютерига учиб бориш йўли ва масофаси, ҳаво иқлими, шамолнинг йўналиши ҳамда тезлиги, хуллас, барча маълумотлар тўғри киритилса, у "айтилган" жойга ўзи учиб бориб, бевосита қўниши, ҳатто аэропортда бехато айланиб олиши мумкин. Шу қадар мукаммал ишланган.

— Унда учувчига зарурат бўлмас экан-да?

— Йўқ, зарурат бор. Чунки олис масофани тўппа-тўғри ҳисоблаб чиққан тақдирда ҳам йўл-йўлакай иқлим ўзгариши, шамолнинг тезлиги ўн бир минг метр юқорида 150-200 км/соат бўлади — булар, албатта, самолёт йўналишига таъсир қилади.

— Неча киши бошқаради "Боинг"ни?

— Одатда икки киши. Жуда узоқ масофага учганда уч киши. Масалан, Америкага Киевдан кейин ўн бир соат училади. Унда учинчи учувчи ҳам чап учувчи ўриндиғида, ҳам ўнг учувчи ўриндиғида ишлай олиши шарт. Кема капитани шундай ҳуқуққа эга.

— Демак, ҳаво кемаси капитани иккита бўларкан-да?

— Шундай десак ҳам бўлади. Чунки сардор дам олганда учинчи учувчи унинг вазифасини бажара олиши лозим.

— Бир иқлимдан иккинчи иқлимга борганда мослашиш жараёни қандай кечади?

— Иқлимдан ҳам кўра вақтга мослашиш қийинроқ. Мисол учун, Тошкент вақти билан Нью-Йорк вақти орасида 9 соатга фарқ бор. Бу ёқда кундузи бўлса, у ерда — кечаси. Бу ёқдан борганимизда бизнинг вақтимиз билан кечаси 3 бўлади. Чарчаб бориб ухласангиз-да 5 яримда — ўзимизда тонг отиши вақтида худди биров уйғотгандай уйғониб кетасиз. Ҳолбуки, ҳали тун.

— Кўпроқ Ғарб мамлакатларига учган экансиз...

Ғарбга учсак, янада қизиқ. Масалан, Лондонга бу ердан соат 16 да ҳавога кўтарилсак, соат 23 да қўнамиз. Уларнинг вақти билан соат 19 бўлади — қуёш ҳалиям жойидан силжимагандай туюлади. Кўникиш қийин.

— Экваторнинг у томони қандай таассурот уйғотади?

— Буниси янада ғаройиб. Ўтган йили кеч кузда Янги Зеландияга учдик. Бизда дарахтлар баргини тўкиб бўлган, у ёқда эса — баҳор, энди куртак очиб, гуллаяпти. Қизиқарли, албатта.

— Яқинларингиз, дўстларингиз касбингизга қандай қарашади?

— Дўстларим ҳазиллашишади: "Римга бориб келиш сен учун Чорсуга тушиб чиқишдай гап", деб. Оилам, ўғилларим ҳам ҳавас қилишади.

Суҳбат жараёнида Баҳром Норхўжаев ҳаётида туб бурилиш ясаб, фаолиятида кенг имкониятлар очиб берган Истиқлолимизга шукроналар айтди. Дили ғурур ва ифтихор билан тўлуғ бу замондошимизнинг бахтиёр чеҳрасида Озодлик қуёшининг ёрқин нурлари жилваланади.

"От ўрнини той босар", дейди доно халқимиз. Баҳром аканинг ҳаёти ўғилларига ибрат, касб-кори — ҳавас, сабоқ. Ҳозир тўнғич ўғли Алишер фуқаро авиацияси сир-асрорларидан сабоқ олмоқда. Яхшида, оталар забт этган чўққи сари ёш авлод шижоат ила интилса, ундан-да юқорироқ манзилларни кўзласа. Зотан, Озод-Ватан ҳар қайси фарзандидан шундай улуғвор саъй-ҳаракатлар, фидоийликлар талаб этади. Бургутча парвозлар давомли бўлаверсин!

Сафар ОЛЛОЁР

ҚАДРИЯТЛАРГА УЙҒУН



Китобингизни ўқидим

Улуғ мутафаккир Абдурауф Фитрат "Раҳбари нажот" асарида шундай деб ёзган эди: "Дунё — курашнинг умумий майдонига ўхшайди ва бу майдоннинг бузрук паҳлавонлари инсонлардир... Бу курашда ғолиб чиқиш учун уч ҳил қуролга эга бўлиш керак: биринчиси, "Саломатлик", иккинчиси, "Соғлом фикр", учинчиси, аҳлоқи сано «олий аҳлоқлилик,,.» Болаларни баркамол қилиб вояга етказиш учун уларнинг тарбиясига оилагина жавобгар бўлмасдан, бутун миллат аҳли жавобгардирлар». Мазкур мулоҳазалар ўзбек педагогика тарихидаги энг муҳим нуқталар, десак муболаға бўлмайди. Зотан, Абдурауф Фитратнинг педагогик мероси ўзбек оиласининг ўзига хос шаклланиши тарихидан, янгиланиш, маънавий жиҳатдан такомиллашишида ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик шарофати билан бугунги кунда ўзбек оиласида ўзига хос миллий тарбия жараёни шаклланаётир, қадимий анъаналар қайта тикланаётир. Мана шундай бир шароитда мутафаккир бобомиз, профессор Абдурауф Фитратнинг оила ва бола тарбиясига оид илғор қарашларини илмий ўрганиш, кенг тарғиб-ташвиқ этиш фойдадан холи эмас. Шу маънода халқ маорифи аълочиси, Тошкент Давлат аграр университети қошидаги гимназия директори, тадқиқотчи Шоира Абдужалилованинг "Абдурауф Фитратнинг оила ва бола тарбиясига оид қарашлари" рисоласи айни муддаодир.

Рисолада Фитратнинг "Оила" асари илмий-оммабоп тарзда батафсил таҳлил этилган. Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган соғлом авлод умумхалқ эзгу ҳаракати қадимдан давом этиб келаётган миллий сиёсатимизнинг узвий давомидир. Муаллиф рисоланинг "Абдурауф Фитратнинг оилавий муносабатлари ҳақидаги қарашлари" бобида диққатимизни ана шу қадриятнинг энг муҳим нуқталарига қаратади: "Биздаги соғлом авлодни шакллантиришнинг миллий-тарихий тарбияси учта концептуал йўналишга асосланган. Булар: биринчиси, Насл поклиги концепцияси; иккинчиси, Тарбияда устоз институти концепцияси; учинчиси, Фаолиятда Ибрат концепцияси". Ш. Абдужалилова ўз рисоласида мана шу концептуал йўналишларнинг моҳияти нималардан иборат ва уларда тарбия қандай механизмлар асосида олиб борилганлиги ҳақида батафсил тўхтаб, ўзининг умумий хулосаларини беради.

Таҳлил асосида тадқиқотчи маънавий меросимизга оид жуда кўп манбаларга мурожаат этган. Улар орасида Фитратнинг "Оила" асаридан ташқари Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи", Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" каби мўътабар асарлар бор. "Соғлом авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш ғоят сермеҳнат ишдир", деб ёзади муаллиф. Рисолада соғлом авлод тарбиясининг бизда асрлар оша шаклланган миллий-тарихий тажрибаларнинг асосий жиҳатлари таҳлил этилган.

Рисоланинг "Абдурауф Фитратнинг бола тарбиясига оид курашлари" бобида мутафаккирнинг ўзбек педагогикасида биринчи бўлиб бола тарбиясини туғилишидан умрини охиригача қай тарзда таснифлаб берилгани, болани жисмоний, ақлий, ахлоқий жиҳатдан камол топтириш, бунда мантиқ ва тиб илми ютуқларидан самарали фойдаланиш, умуман, Фитратнинг бу соҳага доир қарашлари ўзбек оила педагогикасида янги саҳифа эканлиги сингари долзарб масалалар қамраб олинган. Умуман, Абдурауф Фитрат бу мавзуни ёритишда педагогика, хусусан, оила педагогикаси, психология, мантиқ ва тиббиёт фани ютуқларига, шунингдек, Шарқ этикаси ва эстетикаси тажрибаларига таянгани сир эмас. "Бу ўша давр — XX аср ўзбек педагогикаси учун прогрессив ҳол эди, — деб ёзади Ш. Абдужалилова. — Энг асосийси, бугунги янги ўзбек педагогикаси тамойилларининг Абдурауф Фитратнинг қарашлари билан уйғунлиги ҳайратланарли ва қизиқарлидир".

"Абдурауф Фитратнинг оила ва бола тарбиясига оид қарашлари" рисоласи оила муаммоси билан шуғулланадиган мутахассислар, ота-оналар ва бу масалага қизиқувчи кенг китобхонлар оммасида қизиқиш уйғотиши, шубҳасиз. Китобга педагогика фанлари доктори М. Қуронов масъул муҳаррирлик қилган. Рисола "Ёзувчи" нашриётида минг нусхада чоп этилган.

Акбар ОТАЕВ,
ўқитувчи

КЎНГИЛ ХУШИ ЭМАС, ИШИ

2001 йил шеъриятига бир назар

Ўтган йили, аввалги ўн йилликларда кузатилганидек, шеърий мажмуалар хирмони яратилмади. Лекин сифат жиҳатдан, маъно салмоғига кўра, кўзни ҳам, кўнгилни ҳам қувонтирадиган асарлар юзага келди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Ориповнинг тўрт жилддан иборат танланган асарлар мажмуи маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг "Куз" мажмуи, Саъдулла Ҳакимнинг "Сайланма", Сирожиддин Сайиднинг "Ватан абадий", Турсун Алининг "Туйғулар ранги" китоблари, Аҳмад Хўжанинг "Садоқат чашмаси", Улуғбек Ҳамдамнинг "Тангрига элтувчи исён", Абдулла Турдиевнинг "Мен айтган қушиқлар" шеърий тўпламлари ўқувчилар қўлига тегди.

Республикамиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган "Истиқлол илҳомлари","Истиқлолим истиқболим", "Истиқлол умидлари" мажмуаларини алоҳида таъкидлагим келади. Уларда Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Шукрулло сингари адабиётимиз оқсоқоллари, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари бугунги бадиий тафаккур сарбонлари, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, М. Юсуф, А. Шер, Қутлибека, М. Абдулҳаким, Р. Мусурмон, Г. Асқарова — бир неча авлодга мансуб ижодкорларнинг истиқлол ғоялари кўнгилларда ундирган шеър чечаклари ўрин олган. Яна ушбу силсилада Ойдин Ҳожиеванинг "Озод сўз ёлқинлари", "Буюк карвон" қасидалари, Фарида Афрўзнинг "Ватан" қасидаси, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталигида эълон қилинган "Истиқлол таронаси", "Истиқлол, садаганг кетай истиқлол" туркумлари алоҳида ўрин тутади.

Ўтган йили поэтик тафаккурнинг етакчи йўналишларини акс эттирувчи, тараққиёт тенденцияларини белгиловчи ғўзал поэзия намуналари яратилди. Хусусан, А.Ориповнинг "Жаҳон ичра тенгсиз жаҳоним", "Бу қўприк оламнинг ўзига ўхшар", "Ҳамма гап шунда" туркумлари, "Ўтинч", "Қайрағоч", "Урумчида баҳор" каби баркамол шеърлари адабий жараёнга алоҳида кўрк бағишлади. Ҳ.Худойбердиеванинг "Янги йил жомини ишқ билан тўлдир", "Улуғ кун келмоқда", А. Суюннинг "Уйқу аро бедорман","Эй дўст", О.Суюндиқованинг "Тонгда туғилганлар ўлимни билмас", Й.Отамуроднинг "Мушфиқ соғинчларим", "Канглум, ким ҳам сенинг ҳаддинг сиғдирар", Ф.Афрўзнинг "Тонг чоғи сочларим шабнамга ювдим","Муножот", Й.Эшбекнинг "Ватан", "Ғўзал шомлар", Яҳё Тоғанинг "Дунёни тўйларга чорлайди жоним", Б.Рўзимуҳаммаднинг "Лаҳзалар кечади соғинчга тўлиб", Ғ.Ғулам Бегимнинг "Тебранди ялтироқ туйғулар" каби туркумларини айтиб ўтиш жоиз. Муҳими, улар ўқувчилар эътиборини тортди, назарига тушди.

Республикамиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган манзумалар истиқлол адабиёти мундарижасини янги мазмун, янги талқин ва янги бадиий ғоялар билан бойитди. Миллий ифтихор ва ғурур туйғулари, миллатпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари истиқлол адабиётининг устивор йўналишини ташкил этмоқда. Муҳими, кечинмалар манзарасида мустақил юртга эгалик ҳисси, буюк халққа мансублик туйғуси ўзак маънони белгилаётир. Истиқлол — бу мўқаддас маънавий қадрият, уни асраш — бурч, деган бош маъно ижтимоий-сиёсий шеъриятимиз руҳига сингдирилган. Ушбу йўналишдаги асарларда миллий кўтаринкилик бадиий пафос сифатида ифодаланади.

Шу маънода, истиқлол шеърияти халқимиз дунёқарашидаги ўзгаришларнинг амалий тасдиғи, ижтимоий йўналишининг эстетик ифодаси бўлди. Эркнапарварлик ғоялари, озодлик идеали, имон саломатлиги, эътиқод бутунлиги, ватан озодлиги ғояларига йўғрилган ижтимоий идеал — бугунги истиқлол шеъриятининг бош йўналишларидан. Яъни туйғу-кечинмаларга йўғрилган куйинчак фикр инсоний тақдирларга, ташвиш-севинчлар ифодасига айланмоқда. Бир сўз билан айтганда, миллий ғурур феномени бадиий-эстетик таҳлил маданиятида лиризмга йўғрилган публицистик нутқни, публицистик ифодани кучайтирди.

Фалсафий образлилик бадиий тафаккурнинг ўзига хос мустақил йўналиши. Рамзларга, ишораларга, тагдор маънодорликка асосланган поэтик идрок ва ифода маданияти бугунги шеъриятимизни безаб келади. Ҳалима Худойбердиеванинг "Байроқ тутқичига бир оят ёздим", "Ота ҳовлим", "Дарахтларга айлантириб қўй", "Юксалишга маҳкумлик", У.Азимнинг "Тоғ ва дашт қўшиқлари", "Хотира парчалари", "Сукунатлар ва қичқириқлар" туркумлари, Баҳром Рўзимуҳаммаднинг "Лаҳзалар кечади соғинчга тўлиб" туркумидаги "Ўтиб кетаётган вақт", "Насиҳат", "Туш", "Тўқ сариқ рангдаги шиша" каби шеърлари, С.Сайиднинг "Ватанни ўрганиш", "Шамнома" туркумидаги тўртликлари, Й.Отамуроднинг "Кимдир босиб ўтган бу йўлни", "Тупроққа сингиган томчидек маҳзун", "Армон сенга ўтин бўлдим", Й.Эшбекнинг "Ғўзал шомлар", "Дилором хаёл", "Муаттар зиё" шеъларидаги бадиий умумлашма фикрлар ҳикматли, ибратли маънодорлиги билан ажралиб туради. Одамлар табиатидаги маънавий-ахлоқий номукаммаллик бугунги фикрий шеъриятимизни ўйлантириб келмоқда. Хусусан, дунё боқий, инсон ўткинчи. Эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, ғўзаллик ва бадбинлик, жаннат билан дўзах — ҳаммаси инсон учун. Инсонни комиллик мақомига кўтариш учун ёруғлик қанчалик ёзғурмасин, унга раҳна солувчи қоронғулик унсурлари ҳам турфа хил. Бани Одам жамиятни ҳам, ўзини ҳам бахтли қилиш, маънан мукаммаллик мақомига етказиш умидида ёниб-куйиб яшамоқда. Ана шу таҳлит маънавий эҳтиёж бугунги фикрий шеъриятимиз мундарижасини белгиламоқда.

Шу ўринда устоз навоийшунос Абдул-Қодир Ҳайитметовнинг ғўзал шеърларини таъкидлагим келади. Олимнинг "Ёр келса", "Вольтернинг сўнгги онлари", "Қўшиқ", "Адиб ва шоир", "Навоий", "Кутиш", "Қалдирғоч қанотидек", "Шукрким" каби ўнлаб асарлари нафақат бугунги китобхон, балки келгуси авлодлар кўнглига ёруғлик олиб киради.

Улуғбек Ҳамдамнинг "Тангрига элтувчи исён" шеърлар китоби, ва умуман, кейинги пайтда наср ва бадиий таржимачиликдаги изланишлари, адабий-танқидий мақолалари қизиқиш уйғотаётир. Булар истеъдоднинг намоён бўлишидаги серқирра шакллари. Муҳими, бу ёш ижодкор шаклланиш жараёнини бошдан кечираяпти.

"Мен ўз боғимни яратмоқчиман, ва унда ўсади Худо хоҳласа, Қувончгул, Қайғугул", дейди шоир. Шу маънода, тиниқ психологик ҳолатларнинг ҳам қайфият уйғотувчи, ҳам фикр-маъно берувчи манзараларини деталларга сингиришдек ўта нозик тасвир ва талқин йўсини, ижодий манераси, ўзига хос идрок ва ифода тарзи ўқувчини қувонтиради. Бу борада, теша тегмаган, оҳори тўкилмаган образлар устидаги заҳматлари катта умид, ишонч уйғотади.

Кейинги пайтда диний-ахлоқий ғоялар адабиётимизда чуқур илдиз отиб бораётир. Маънавий сарчашмаларимизга мурожаат этиш алоҳида тамойилга айланди. Ушбу йўналишда А. Ориповнинг "Ҳаж дафтари" туркумини, Т. Қаҳҳорнинг "Муҳаммад билан суҳбат" лирик достонини, С. Саййиднинг "Қирқ ҳадис" ва Ш. Қурбоннинг "Унутмадим адолат расмин" (шеърга тушган ҳадислар) шеърий туркумларини айтиш жоиз. Аввало, улар одамийлик хислат-фазилатларини кашф этиш орқали шахс ва жамиятни комилликка ундашга қаратилган моҳияти билан эътиборли. Ахлоқий поклик маънавий покдомонлик, хусусиятларини қўнгилларда тарбиялашга, шахсиятларда шакллантиришга йўналтирилган янги бадиий талқинлари билан аҳамиятлидир.

Башарий қадриятларнинг моҳиятини англаш — бу ўзликни билиш сари қўйилган собит қадам. Раббимни танишдан бўлак маърифат ва Оллоҳни унитишдан ортиқ жаҳолат йўқ. Шахс ва жамият ўзини инсоний хислат-фазилатлар билан янада ғўзаллаштириш учун ҳамиша янги-янги имкониятлар излайди. Адабиёт ана шу жараённи бадиий идрок ва ифода этишнинг янги йўналишларини қидиради. Бугун диний меросга таянган маърифат йўли инсон руҳияти бутунлигини, имон-эътиқод саломатлигини таъминлаш омилларидан бири сифатида кўзга ташланаётир.

Ўтган йили эълон қилинган эпик жанрдаги асарлар бармоқ билан санарли. Олимжон Холдорнинг "Ой тутилган кечалар" мусиқали драмаси Чўлпон образини яратишга, Саъдулла Ҳакимнинг "Олис юлдуз" тарихий достони эрамиздан олдинги Эрон — Турон ўртасида кечган жангу жадалларга бағишланган. Илҳом Аҳроннинг "Дийдор зиндони" драматик асарида Аҳмад Дониш ва Садриддин Айний бадиий сиймоларини яратишга интилиш бор. Турсун Алининг "Учинчи хона" драматик достони талабалар ҳаётидан олиб ёзилган. Бу достонлар маънавий-ахлоқий масалаларга бадиий жавоб излаши, қўнгил кўчаларида кечаётган сир-синоатларни эпик йўсинда тадқиқ этишга қаратилган саъй-ҳаракати билан эътиборли. Уларда ҳаёт ва ўлим, шахс ва жамият, садоқат ва хиёнат сингари азалий муаммолар хусусида баҳс юритишга мойиллик сезилади.

Турсун Алининг "Учинчи хона" драматик достони севгига садоқат, дўстга хиёнат мавзуида. Шоир асарга талабалар ҳаётини асос қилиб олган. Мавзу яхши танланган, бироқ муаммонинг бадиий ечими ўқувчини қаноатлантирмайди. Бунинг боиси нима?

Маълумки, шоирни шоир қилган нарса образли тафаккур маданияти. Образларга таянган, образларга асосланган фикрлаш малакаси шеърнинг бадиий баркамоллигини белгилайди. Шу боисдан ҳам поэтик образнинг мавқеи баланд. Поэтик нутқ образли бўлгани учун ҳам, аввало, эстетик туйғу, бадиий завқ уйғотади. Уни бир йўла кўриш, эшитиш, тасаввур қилиш мумкин. Ҳисий идрокимизда ғалаёнлар уйғотишига кўра онгимизда, шууримизда серқатлам маънолар тизимини ҳосил қилади.

Аксар шоирлар асарлари мунаққидлар томонидан икки хил йўсинда танқид қилиб келинди. Хусусан, бирда: "Шеърингизда янги гап йўқ, эски ҳаммом, эски тос", дейишса, иккинчи ҳолда: "Жудаям жўн, муаллақ, ҳаётдан узоқ", дейилди. Хўш, эски гаплардан янги маънолар ўқиш ва ўқиш учун, образлари тезда эскириб, жўн ва ҳаётдан йироқ бўлиб қолмаслиги учун нима қилиш керак?

Турсун Али асарига рамзли маъно бериш учун асар қаҳрамонларини биринчи, иккинчи талаба қиз, биринчи, иккинчи, учинчи толиб, деб номлайди. Таъкидлаш жоизки, шоир бу дунёда инсон бўлиб яшаш оғир, деган муҳим гапни талабаларнинг ўзаро муносабатлари орқали акс эттиришга интилади. Бироқ асар талабаларнинг даҳанаки олишувига, чойхона гаплар йиғиндисига айланиб қолган. Хусусан, биринчи талаба қиз билан биринчи толиб — шоир йигит бир-бирини севади. Иккинчи, учинчи, тўртинчи толиб йигит биринчи толибни хуш кўрмаганлиги боис, уни менсимайди, муҳаббатини оёқ ости қилмоқчи бўлишади. Шоир бу йигитларни маънан қашшоқ, худбин, ахлоқий жиҳатдан нопок бандалар сифатида кўрсатмоқчи бўлади. Лекин, бу ният ҳам кўнгилдагидек чиқмаган. Чунки достонда ахлоқий тубанликнинг асослари очилмаган. Нега улар маънан қашшоқ, деган саволга жавоб йўқ. Ахир,ҳар уч талаба ҳам ахлоқан ноқис туғилмаган-ку. Қолаверса, улар ўз хатти-ҳаракатларини маъқул ёки номаъқул, дея баҳолашдан йироқ. Таажжубланарлиси, улар деярли фикрламайди, уларни муаллифнинг хоҳиш-истаги бошқаради. Улар ўз иродаси, характер хусусиятларини намоён этишдан кўра, муаллифнинг йўриғига йўғрилаётгандек таассурот қолдиради.

Шоирнинг бош вазифаси асарга олиб кирилган воқеликка, ҳаётнинг у ёки бу ҳодисаларига ўқувчини ишонтира билишида. Бунинг учун достонга хос бадиий ният, эпик маъно ва миқёс керак. Т.Али достонида эса ниятдан бўлак ҳеч нарса йўқ.

Саъдулла Ҳакимнинг "Олис юлдуз" достони тарихий мавзуда. Хусусан, Эрон шоҳи Кайхисравнинг Турон заминига тажовузкор юришлари массагетлар маликаси Тўмариснинг она тупроғини босқинчилардан ҳимоя қилиш, юрт ва миллат эркини сақлаб қолиш йўлидаги кураш саҳифаларга бағишланган. Маълумки, С.Ҳаким лирик шеърларидаги умумлашма хулосаларда фалсафий муҳокамаларга интилади. Ҳаёт ҳақида, инсоний тақдирлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар тўғрисида фалсафий йўсинда фикрлашга, мушоҳадалар юритишга мойил. Эпик асарида ҳам ижодий принципига содиқ қолган: тарихий воқелик асосида шахс ва салтанат, она ва ўғил меҳри-садоқати, Ватан эрки ва фарзандлар бурчи ҳақида ибрат йўсинида мулоҳаза юритади. Айниқса, табиат тасвирида лирик бўёқлар, кечинмалар қуйилиб келади. Шоирнинг табиат рангларини ғоят нозик ҳис этиши бўртиб кўринади. Бироқ достонда тарихий асарнинг бош хусусияти бўлган тарих туйғуси етишмайди. Хусусан, агар асарда Тўмарис, Кайхусрав, Сипарангиз сингари тарихий шахслар номлари ўзгартириб қўйилса, макон ва замон нуқтаи назаридан кўп ҳам ютқазилмайди. Воқелик эрамиздан аввалги асрларда эмас, исталган асрда кечган бўлиши мумкиндек таассурот қолдиради. Негаки, қаҳрамонлар фикрлаш тарзига кўра, олис ўтмишда яшаб, кураш ибн енгган ва енгилган одамларга эмас, XX аср одамларига ўхшаб мулоҳаза юритишади. Этнографик ҳаёт турмуш тарзига кўра ҳам достон тарихий муҳит-шароит нуқтаи назаридан ўқувчига ҳеч қандай янгилик бермайди. Асарда Кайхисравнинг Тўмарисга уйланиш орқали бойликларига эга чиқиш тўғрисидаги маккор нияти, Спарангизни жанг майдонида эмас, макр-ҳийла билан асир олиниши, ўлдирилиши, ва ниҳоят, Тўмарис Кайхисравнинг барча шартларини рад этиб жангга кириши, ғалаба қозониши хусусидаги тарихий маълумотлардан хабар топамиз. Демак, шоир тарихий факт-маълумотларни янги талқин ва маънолар билан бойитмаган.

Шунинг учунмикан, қаҳрамонлар ёрқин индивидуал характер хусусиятларга эга бўлган тақдирлар сифатида кўзга ташланмайди.

Умуман, ўтган йилги достончилигимизда эпик қамров, эпик тасвир ва талқин маданиятининг устувор унсурлари бўлган тафаккур теранлиги, ҳаёл-таҳайюл кенглиги етишмайди.

Ўтган йилги шеъриятимиз намуналарида истиқлол адабиёти ривожининг муҳим фазилатларини, етакчи хусусиятларини белгилаб берувчи қуйидаги тамойиллар кўзга ташланади.

Биринчидан, миллатнинг ўзлигини англаши, ўзликни қадрлаши ва ўзликни улуғлаш маданиятининг шаклланишида поэтик тафаккур камолининг муҳим белгиси намоён бўлади. Иккинчидан, шоирларимиз тарихий воқеликка, диний-ахлоқий ғояларга ва бугунги кунга мурожаат этишганда, бадиий маънолар миллат бутунлигига қаратилган умумбашарий ғоявий-эстетик концепцияси билан ажралиб туради. Учинчидан, поэтик тафаккур "лаббайчилик"дан қутулиб боряпти. Лекин офарибозлик поэтик тафаккурда барҳам топгани йўқ. Ўзбек элининг, туркий улуснинг жаҳон цивилизациясини бойитишдаги буюк ўрни ва тарихий хизматларини кўрсатишда, умумбашарий маданий қадриятлар яратишдаги фаолиятини акс этиришда бадиий тасвир-талқин ўрнини ялтироқ сўзларнинг шовқин-сурони эгаллаб олаётганида кўриш, кузатиш мумкин. Қолаверса, бадиий тафаккур камолининг яна бир муҳим белгиси, бу — инсон руҳиятини, жамият психологиясини бадиий тадқиқ этиш орқали инсон кўнглини маърифатли, онг-шуурини ҳикматли қилиб тарбиялашга, инсон шахсида комиллик хусусиятларни шакллантиришга интилишда кўзга ташланади. Тарихийлик, халқчиллик, миллийлик, маънавий-ахлоқий етуклик бадиий-эстетик тафаккурнинг етакчи принципларига айланади.

Хуллас, поэтик тафаккур самарали миллий истиқлол мафкурасининг маънавий асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган хайрли, эзгу моҳияти билан қадрли, эътиборлидир.

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ

Журналларни варақлаганда...

"Ўлжас ҳеч кимга ўхшамайди. Унинг ҳатто қиёфаси ҳам ўзига мос. Мен унинг саводхон мухлисларинигина эмас, шеърни оз-моз тушунадиганларнинг қалбларини момоқалдироқдек титратувчи шеърлари ҳақида гапирмай кўя қолай", деб ёзади Қувонч Тўламетов "Ўлжас" сарлавҳали мақоласида. Улкан қозоқ шоири ҳақидаги бу самимий ва чуқур мақолани ҳамда Ўлжас Сулаймонов қаламига мансуб "Сурурли бир нидо" деб номланган туркум шеърларини "Жаҳон адабиёти" журналининг апрел сонида Мирпўлат Мирзаев таржимасида ўқийсиз.

Абхаз адабиётининг асосчиси Дмитрий Гулианинг ўғли Георгий Гулианинг "Фиръавн Эхнатон" романида меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик ривожланган қадимги Миср тарихидаги муҳим босқич ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур романни Раҳматилла Иноғомов таржима қилган. Умуман, журналнинг янги сонида "Наср" рукнида берилган асарлар катта қизиқиш билан ўқилади. Хусусан, ХХ аср япон адабиёти пешқадамлари Кикути Каннинг "Дайди роҳиб", Сига Наоянинг "Ханнинг жинояти" ва Миура Тэцуранинг "Сабр дарёси" ҳикоялари шундай асарлар сирасидан. Мазкур ҳикояларни Файзи Шоҳисмоил ўзбек тилига ўгирган.

Таниқли рус адиби Михаил Кураев "Халқ ва оломон" публицистик мақоласида Россиядаги ижтимоий ўзгаришлар қандай муаммоларни юзага келтиргани ҳақида мулоҳаза юритиб, "Халқ — бу ким?" деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Шунингдек, бу сонда В.Пономарёванинг "Кўзимиздан пана космос" хотиралари давомини ўқийсиз.

"Адабий танқид" рукнида берилган филология фанлари номзоди Йўлдош Солижоновнинг "Умрбоқийлик сирлари" мақоласида ўзбек адабиётида миллий уйғониш садолари ва мустақиллик йилларида бадиий сўз масъулияти борасида мулоҳаза юритилган. Туркиялик тадқиқотчи Фатма Ачиқнинг "Тарихнинг жонли саҳифалари" мақоласида ўтган асрнинг 20-30-йилларида нашр этилган "Ёш Туркистон" журнали, унинг муаллифлари, умуман, Туркистон ташқарисида нашр қилинган журналлар ҳақида батафсил маълумот берилган.

XIX асрда яшаб ижод қилган француз адиби Генри Кок саргузашт романлари билан кенг шуҳрат қозонган. Озод Шарафиддинов таржимасидаги "Рутбалик маъшуқалар" асарининг аввали ҳам "Жаҳон адабиёти"нинг апрел сонида эълон қилинган.

Бадият ва назария

ТУШ ВА АХЛОҚ

Сен менга тушингни айт, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман, дейди руҳиятшунослар. Дарҳақиқат, тушда инсоннинг руҳий оламига доир улкан ҳақиқат яширин.

Хўш, инсонни унинг кўрган туши орқали билиш мумкинми? Ҳа, билиш мумкин. Билганда ҳам ўзимиз кутгандан ҳам ортиқроқ билишимиз мумкин. Бунинг учун бизлан кўп нарса талаб этилмайди, бор-йўғи тушимизга эътиборлироқ бўлишимиз ва ундаги ҳар бир кичик нарсани ҳам эътибордан қочирмай, таъбир қилишимиз лозим.

Маънисиз ва туш кўрувчига алоқасиз тушлар бўлмайди. Фақат биз маъносига тушунмаган ва ўзимизга боғлиқ ўринларни топа олмаган ҳолатлар бўлиши мумкин, холос.

Алишер Навоий бобомиз ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида сўзлар эканлар шундай бир ривоятни келтиради: ўз шогирдларига топшириқ бериб кетган зот, анча муддат ўтгандан сўнг қайтиб келгач, унинг бир шогирди устидан шикоят қиладилар. "Алар гуноҳкордан сўрубтурларки, бизни ҳеч туш кўрдинг? Деди: — Ҳов кўрдим. Дедиларки: — Сенга басдир".

Бу билан ҳазрат Алишер Навоий туш инсон руҳиятининг кўзгуси, инсоннинг ботинида кечаётган жараён тушида ҳам акс этишини, яъни уйқу ҳолатида инсон руҳий дунёсининг эркинлиги, онг ости ҳисларини ақл каби қолипда сақлаб бўлмаслиги, улардаги ахборот ақлий ахборотдан ҳаққонийроқ эканини таъкидламоқда. Шу сабабли уйқуда одам рост дунё билан тўқнашади, уйқу пайтидаги фаолият жисмнинг эмас, маънавий дунёнинг фаолиятидир. Бошқача айтганда, уйғоқ одамда сохталик кўпроқ бўлади. Уйқу пайти одам ҳақиқий ҳислар билан яқинлашади. Уйқу пайти — инсон дунёсининг энг катта ростгўйлигидир. Уйқудаги ҳиссиётлар туш шаклида намоён бўлади. Биз уйғоқ пайти олган таассуротларимиз ўз шаклини бузиб, бироқ қатъий бир мантиққа асосида рамзлашади ва тушда акс этади.

Имом Ғаззолий туш ҳақида гапирар экан, асосан Қуръони карим ва ҳадисларга суянади. "Солиҳ ва содиқ кишиларнинг тушлари, — деб ёзади у, — рост тушдир. Ёлғончи кимсанинг туши алоқ-чалоқ, қўрқинчли ва ёлғон тушдир. Фасод ва гуноҳга ботган кишиларнинг қалби ҳам қорайиб кетади. Шубҳасиз, бундай кишиларнинг кўрган тушлари ҳам хатарлидир."

Имом Ғаззолий тушни жуда нозик тушунади. Унинг: "Туш ва уйқу оламида ғайбни билмак жаноби Ҳақнинг саньати ажойиботларидандир, одам ўғли фитратининг ғаройиботларидандир", дея тушга берган баҳоси ниҳоятда қадрлидир. Бу баҳо тушга аниқ ва тўғри баҳодир. Маълумки, исломга қадар ҳам тушга ғайб оламининг мўъжизаси сифатида қаралган. Тушга руҳлар ва ўзга олам билан мулоқот қилиш воситаси сифатида ёндошилган. Бу тушнинг сирли, илоҳий эканлиги билан ҳам изоҳланади.

Ғарблик тадқиқотчилар Зигмунд Фрейддан сўнг тушни инсон руҳиятининг иньикоси сифатида ўргана бошладилар. Ваҳоланки, Имом Ғаззолий XI асрдаёқ тушнинг бевосита инсон ахлоқи ва маънавияти, янада аниқроғи, руҳонияти билан боғлиқлигини айтиб ўтган эди: "Маънавият соҳиблари ғайб кўзи ила кўра олади? Баъзан унга ваҳий тарзда, баъзан туш тарзда аён бўлади. Инсон маънан бир оламга юксалса, ерда туриб ҳақиқатни кўради, моҳиятни англайди. Тўғри, туш пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан биридир. Бу ҳолат ҳам энг юксак маънавиятнинг даражаларидан биридир."

Шу ўринда Имом Ғаззолий ва Ғарб файласуфларининг, жумладан, Зигмунд Фрейд қарашлари ўртасида яқинликни кўрамиз. Гарчанд Фрейд ва унинг издошлари тушнинг илоҳийлигини инкор этсалар-да, сирли ва мўъжизали эканлигини тан оладилар. Бу борада Имом Ғаззолий фикрлари асослидек туюлади: "Тушда бирор-бир ҳодисанинг олдиндан кўрилиши сабаби қалбнинг ажойиб сирлари билан боғлиқки, бу ҳол мукошифо илми билан изоҳланади". Зеро, шу пайтга қадар тушга турлича таъриф берилган ва ўрганилган бўлсада, ҳамон туш сирлилигича, мўъжизалигича қолмоқда. Туш – инсон шахси, ахлоқи ва руҳий дунёси билан чамбарчас боғлиқ эканлиги борасида Имом Ғаззолий ва Фрейд ҳамда унинг издошларининг фикрлари ҳамоҳангдир. "Кароматли тушларга сабаб, — дейди Имом Ғаззолий, — уйқуда ғайб тажалли этади. Тушда киши ҳиссиётга бўйсинади, уйғонганда эса ҳиссиётга эътибор бермайди, ақлга бўйсинади."

Фрейд фикрича эса, тушда кишининг уйғоқ пайтидаги онг ости кечинмалари юзага қалқиб чиқади. Уйғоқ пайти инсон кўпроқ онгга, ақлга бўйсинади. Унинг хатти-ҳаракатлари чегараланган, маълум бир йўналишга йўналтирилган бўлади. Тушда эса инсон эркинроқдир.

Дарҳақиқат, уйқуда биз уйғоқ пайтимиз юзага чиқишига ақлий майлларимиз йўл қўймаган кечинмаларга гувоҳ бўламиз ва у билан бирга яшаймиз ҳамда буни туш, деб атаймиз. Туш инсон руҳий дунёсининг ажралмас, мураккаб ва муҳим қисмидир. Фрейд тушни таҳлил қилар экан, тушга эътиборсизлик XX аср инсонларининг руҳан майиб бўлиб қолишига олиб келди, деган фикрни айтади. Тушга – ички истак ва кечинмаларга эътиборсизлик туфайли одамзот катта фожеага дуч келди: у ўз қалбини унутиб қўйди, дейди олим.

Фрейд XX асрга хос ёвузлик, қуллик, мутелик, ахлоқий бузилишлар, эътиқодсизлик ва иймон сустлигини инсоннинг ички майл, кечинмаларига эътиборсизлигида ёхуд бу кечинмаларнинг зўрлик билан жиловлаб қўйилишида, деб тушунтиради. Фрейднинг бу назарияси туш ҳақидаги қадим тасаввурларга ғарблик олимлар эътиборини жалб этди ва натижада инсон руҳияти, кечинмалари акс этган бадиий ижодни тадқиқ этувчи руҳий таҳлил методи юзага келди. З.Фрейд, К.Юнг ва бошқа руҳий таҳлил методи вакиллари тушни таҳлил қилиб, ундаги рамзлар мифлардаги рамзлар билан ўхшаш эканлигини кашф этдилар ҳамда тушни шарҳлаш мифларни шарҳлашни осонлаштиради, деган қарашни ўртага ташладилар.

Умуман, уйқу ва уйғоқ ҳолатлар инсон фаолиятининг икки қарама-қарши қутбидир. Бирида воқелик ва мантиқ, иккинчисида эркинлик ва "мен" етакчи. Уйғоқ одам ўз фаолиятини мавжуд шароитнинг мантиғига мослайди: у даврга мос кийим кияди,уй қуради, ташвиш чекади ва давр мантиғидан келиб чиқиб фикр юритади, муносабат-муомала қилади. Яъни у макон ва замон чегарасида яшашга, макон ва замон номидан гапиришга, фаолият юритишга, яшаш учун курашишга, ўзини ҳимоя қилишга мажбур. Уйқу ҳолатида у макон ва замондан мутлақо халос бўлади, у ўз ички дунёси — "мен"и ихтиёрида бўлади. "Мен" шунчалик кенгки, у ўзида барча маконларни, замонларни мужассам этади. Уйқуда уйғоқ пайтдаги яшаш учун кураш мантиғи бўлмайди. Киши макон ва замон ахлоқидан, тартиб қоидасидан, қонунларидан, яшаш тарзидан, таъқиб ва таъқиқ хавфидан буткул халос бўлади, яъни у буткул эркин бўлади. Ана шу пайтда фақат "мен"га – ички дунёга хос истак кечинмалар уйғонади. Уйғоқ одам ўзини ўраб турган воқеликнинг ижрочиси, уйқу эса ички ҳиссиётлар – руҳий дунё билан юзма-юз келишдир.

Америкалик олим Эрих Фромм тушга оид бир мақоласида шундай аҳамиятли мисолни келтиради. А. ҳамда Б. деган шахслар учрашиб қолишади ва биргаликда тижорат қилишмоқчи бўлишади. Шу кеча А. тушида Б.нинг ўғирлаб олган пулларига сохта ҳужжат тўлдираётгани кўради. А. тушга катта аҳамият берса-да, бу гал у кўрган тушини эътиборсиз қолдиради. Бироқ бир йилдан сўнг Б.нинг сохта ҳужжатлар билан катта миқдорда пул ўмарганига гувоҳ бўлади. Бу башорат-тушни Фромм шундай шарҳлайди: А. уйғоқ пайти унинг ақлий салоҳияти Б.нинг асли қиёфасини тўлиқ қамраб ололмаган, бироқ ақлга нисбатан қамрови кенг бўлган онг ости ҳислари Б.нинг асл қиёфасини тўлиқ акс эттира олган ва бу таассурот ҳулосаси тушда намоён бўлган. Олимнинг фикрича, онг ости ҳислари онгли ҳисларга нисбатан сезувчан, ҳаракатчан, ўта аниқ кечинмалардир. Башорат-тушлар ана шу ўта сезувчан кечинмалар ҳосиласи бўлиб, буни одам бирдан англаб олиши қийин бўлади, ақл бу сезувчан ҳисларни ўз мантиғига суяниб қабул қилолмайди. Уйқу пайти эса бу кечинмалар туш сифатида келажакни ўзида намоён қилади.

Руҳий таҳлил методининг асосчиси Фрейд инсондаги майлларнинг тушда турли ҳайвон кўринишида гавдаланишини таъкидлайди. Эрих Фромм эса "Қизил Шапкача" эртагини таҳлил қиларкан, ундаги бўри шаҳвоний майл тимсоли сифатида талқин этилганини ёзади. "Алпомиш" достонида Барчинойнинг майли йўлбарс, акс майли эса маст туя қиёфасида гавдаланади.

Бу мисоллар шундан далолат берадики, ибтидоий даврлардан XXI асргача кишиларининг тушга бўлган муносабатларида унчалик фарқ сезилмайди. Улар кўраётган тушлардаги рамзларда ҳам яқинлик мавжуд.

Шарқда тушга шунчалик теран бир муносабатда бўлинганки, инсон табиатидан тортиб у еган таомгача тушга таъсир қилиши мумкинлигини яхши билишган. Мисол учун, Абулфазл Ҳусайн ат-Тифлисий Имом Жаъфар розийллоҳу анҳу тушни учга бўлганлигини айтади. "Туш аслида уч қисмдур, — деб ёзади у ўзининг "Мукаммал туш таъбирнома"сида, — бири ҳукм деб айтилади, иккинчиси муташобиҳ (рамзий туш), учинчиси асғосу аҳлом (паришон) тушлардир". Паришон тушларни кўрувчиларни тўрт гуруҳга бўлар экан, улардан бири савдо қўзғатувчи овқатларни егувчилар кўрадиган туш, деб айтади. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, туш инсон ахлоқи, маънавияти, руҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. "Юзинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама", дейди халқимиз. Ёмон, қўрқинчли тушларнинг сабабини чеккадан эмас, ўзимиздан, ўз табиатимиздан излашимиз зарур . Бу биринчи ҳолат. Иккинчи ҳолат — тушни таъбирлаш билан боғлиқ жараён.

Юсуф Хос Ҳожиб туш таъбирчиларини ўрнига қараб юрумчи, йўрумчи, муаббир дея уч хил номда атайди. Адиб ўзининг "Қутадғу билиг" асарида "Туш қандай таъбир қилинса, шундай бўлади", "Тушни яхшига йўй, туш юруғига кўра бўлади", дер экан, тушни доимо яхшига йўйиш лозимлигини таъкидлайди.

Эртак ва достонларимиздан маълумки, тушни ҳамма ҳам таъбир қилавермайди. "Алпомиш" достонида Барчиннинг тушини Суқсурой каниз, Бойбўрининг тушини эса қизи Қалдирғоч таъбир қилади. Мазкур достоннинг барча вариантларида Қалдирғоч ҳам, Суқсурой каниз ҳам Алпомиш ва Барчиннинг ёнидаги йўлдошлардир. Керак пайти улар ўз яқинларига маслаҳат бера оладиган, уларга йўл-йўриқ кўрсата оладиган донишманд, оқила аёл, янаям аниқроғи, достонда ҳомий образ сифатида гавдаланадилар. "Манас" достонида Манаснинг отаси Жақибнинг тушини Бойжигитдан бошқа ҳеч ким таъбир қилолмайди.

"Тушингни сувга айт", дейди доно халқимиз. Сув кулъти ҳақидаги қадим тасаввурлар билан боғлиқ бу мақолдаги иккита энг муҳим жиҳат эътиборлидир. Биринчидан, туш, албатта, кимгадир айтилиши лозимлиги, шундай қилинса инсон енгил тортиши, кўнгли равшанлашиши кўзда тутилади. Ғарб тадқиқотчилари руҳий хаста беморларнинг хасталигига туш ҳам сабаб бўлганлигини ва кўрган тушларини ҳикоя қилиб бериш орқали даволаганликларини ёзишади. Иккинчидан, тушни ҳаммага ҳам айтиб бўлмаслиги, уни ўзига яқин, қалби тоза кишиларга айтиш лозимлигига ишора қилинади. Қолаверса, сувнинг тиниқлиги, мусаффолиги ва оқиб туриши инсон руҳиятига таъсир этувчи хусусиятга эгадир.

Тушни таъбир қилиш исломда пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан бири ҳисобланади. Зеро, "Рост туш ҳақ субҳонаҳу ва таолодан ваҳийдир. Туш Худойи Таоло билан банда ўртасидаги омонатдир".

Абулфазл ат-Тифлисий шундай

МУҲАББАТИМ — ҚАДРЛИ ҚУШИҚ

Хосият БОБОМУРОДОВА

ТУШДАН СЎНГ

Мен энди биламан, бу умр шитоб —
Кўкдаги қуёшдай кетиб бормоқда,
Булутлар пойлайди ҳасратда тутаб,
Кўнгил армонларин ютиб бормоқда.

Эндиги қушиқлар яна дардлироқ —
Муҳаббат бор бўлса қадрлироқдир.
Эндиги тунларни безайди фироқ,
Жўшқин хитоблар ҳам фақат сўроқдир.

Кел, дўст, гиналашиб юрмайлик қуйиб,
Аразлаб кетмоққа етмайди фурсат.
Бизни Ғарбу Шарқда куттириб қўйиб,
Оҳ, ўзи кутмайди, кутмайди фурсат!

Энди тарқаб кетди ўжарликларим,
Йилларга енгилдим, босилиб қолдим.
Бу кўнгил меҳрга муҳтож ва ярим,
Дарахтта япроқдай осилиб қолдим.

* * *

Эй, ҳақ, тошни ёриб чиқибди майса,
Эркаланиб турар тошнинг устида.
Майса бирам кичик, тош бирам катта,
Майин дарслар ўтар тошнинг устида.

Бунчалар журъатли талаблар бордир
Қуёшга чўзилган қўлчаларида.
Лабларимни босиб кўргим келади
Сабога сир айтган тилчаларига.

Эй, тош, сени ноҳақ айблаб келибман,
Кўксингда майсадек унса бўларкан.
Тошга тошлар отган юракнинг умри
Ҳайрона, вайрона тутаб ўтаркан...
Кўксингда ўзимга жой топмоқ учун
Майсанинг журъати бўлса етаркан.

ЎН САККИЗДАН КЕТАМИЗ, КҲНГЛИМ

Ўн саккиз ёш ширин орзудай чопдик,
Тўланмаган ҳислар қарзидай чопдик,
Гуллаётган дарахт тарзидай чопдик,
Юргил, ўн саккиздан кетамиз, кўнглим.

Бизни тинглашарди ҳамма илгари,
Энди оқ сочларнинг гапига кўндик.
Нени дилдан суйсак алдади бари,
Юргил, ўн саккиздан кетамиз, кўнглим.

Энди қошимизга ўсма ярашмас,
Лочинлар йўлимиз тўсса ярашмас,
Баски, шамоллардай эссак ярашмас,
Юргил, ўн саккиздан кетамиз, кўнглим.

Етиб топганимиз оташлар бўлди,
Дил сўнгсиз азобга туташлар бўлди,
Кунимиз бурчларни ўташлар бўлди,
Юр-эй, ўн саккиздан кетамиз, кўнглим.

Баҳор бошқаларни бошлаб кетади,
Ишқ ҳам кўзимизни ёшлаб кетади.
Биз кетмасак ўзи ташлаб кетади,
Юргил, ўн саккиздан кетамиз, кўнглим.

Ўн саккиз етмаган оламлар ҳам бор,
Ҳали ширин, сирли аламлар ҳам бор,
Бахтимизга содиқ қаламлар ҳам бор,
Юргил, ўн саккиздан кетамиз, кўнглим!

* * *

Қай кун ишқ йўлига туташлар бўлдим,
Гоҳ чақмоқ, гоҳ кесак, гоҳ тошлар бўлдим.
Заранг деб, беранг деб таъна қилибман,
Кафтингга қуш каби қўнса бўларкан.
Юракнинг ўрнида тошга дуч келиб,
Гоҳи ўт, гоҳи сув, оташлар бўлдим.

Дод десам дардимни билади дунё,
Куйласам қўшиққа тўлади дунё,
Воҳ, менинг ҳолимга битта бағритош
Бунчалар қулади, қулади дунё.

Юзларимни ювдим қайноқ ёш билан,
Узоқ кетолмайман бу бардош билан.
Эҳ, сой, сен қандоқлар оқиб ётибсан,
Кўксингга отилган шунча тош билан!?

МЕНИНГ ЖОНИМ...

Менинг жоним қаттиқ, менинг жоним қирқ,
Хазонрез фаслининг ҳукми ўтмайди.
Қон ичиб ётса ҳам юрак этмас чурқ,
Ғуруримга рақиб қўли етмайди.

Менинг жоним қаттиқ, менинг қўнглим гул
Бир оғиз сўз кутиб бунча йиғлайман.
Кўзларим қун бўйи пойлайверар йўл,
Ғамнинг қафасида дилни тиғлайман.

Жоним қирқ, жоним қирқ. Биттадир бошим,
Унга-да минг ғавғо келтирди бу ишқ.
Гарчи хазонлардай тўкилган ёшим,
Кетар чоқда титраб айтади қўшиқ.

Менда жон қаттиқдир ва сенда кўнгил,
Зулм қилган саринг узаяр йўли.
Азобларинг ҳузур, ғамларинг енгил,
Ғийбатларнинг менга етмайди қўли.

Қачон ишонасан, олисдаги чўғ,
Бу умрим, бу кўнглим ўтдалигига.
Қачон ишонасан, эй, шафқати йўқ,
Менинг ҳам жонимнинг битталигига.

ҲАЁТНИНГ МАЪНОСИ НИГОҲИНГДА ЖАМ

Даврон РАЖАБ

Мен қайтмоқчи эдим
Бироқ нур тушавериб
Увадаси чиққан вақт
Қайтмаслик ҳақида ёлворди менга

Мен қайтмадим чунки
Кетаётган йўлим
Чўққига қараб туташган эди
Энди мен чўққига йиқиламан.

* * *

Бир нуқта топиб тикилсанг
Ҳаётингни бор маъносидан
Иборат бўлса нигоҳинг
Қарасанг
Қарасанг
Ҳеч бўлмаса
Шу нуқтача қадринг бўлса
Алдамасанг нуқтани

* * *

Сукунатни истайман
Ифоданинг байрамин
Шундай сўзлайди кўзлар
Қадрлидир гапирганлари

Сукунатни истайман
Ўйиб олманглар уни

Мен балки йиғлагайман
Мен шундай сўзлагайман

* * *

Муҳаббат ёмон нарса
Муҳаббат ёмон важ

На бирор гримсиз
На ола кийимсиз
Масхарабозсан

Ғамгин қиёфанг
ила ичак узасан
Ва мангу
Саҳнада қолиб кетасан

* * *

Хотирамдан сўниб кайфият
Кўчаларни кезаман бир-бир
Севишимни билмас бу шаҳар

Хаёллари бўлиб фаромуш
Юрагимда кезганда кимдир
Севишини билмасам мен ҳам

* * *

Булутларга тикилиб қараб
пайқаб қоласан
одам шаклидаги
булутларни
Осмонда учиб юрар
Одам каби булутлар
Ерга қарайсан кейин
Бироқ топа олмайсан
булут каби оппоқ одамни

* * *

Ҳозир чироқни ўчирсам
Кайфиятдан озаман
Менга ёмон бўлажак
Қимирласам ҳам
Хаёлнинг охири тонгга туташган
Бас қилсам яхши бўлмайди менга
Дил ўлган кўзлари очиқ ҳолда
Йўқ чироқни ўчирсам бўлмайди
Сўндириб бўлмайди безовталикни

* * *

Хонам ичра капалак шаклида
учиб юрар мен излаган ранг
Ёзув усталимга қўнар
китобларга қўнар
нега истаса шунга қўнар
Тус ҳақида бирор фикрга келсанг
яна ўзгарар капалак

Хонам ичра капалак каби
жилоланиб учиб юрар
Мен йўқотган ранг

* * *

Вақт ўтсин
Кейин ўқи
Бу сўзларни
"... Бир япроқ узилиб
тушгандек...
Умр.."
Вақт ўтсин
Кейин
Кейин тушун
Бир япроқ узилганини
Тушун
Умрни...

* * *

Ҳаммасини унутганим
хотирамга келди
Иссиқ кафтлардан
Муздай сув ичганим
Ҳовучдаги сувда
Акс этиб турган чеҳра,
Хаёлимга келмас
барчасини билишим.

Дунё — кенг...

«ҲОМИЛАДОР» ЧАҚАЛОҚ

Шу йил 21 июлда Туркиянинг Сиваш шаҳрида туғилган ўғил боланинг қорнида яна иккита бола борлигини кузатган врачлар чиндан ҳайратга тушишди.

Чақалоқ туғилган пайтда унинг қорин атрофи шишиб турган дояларда шубҳа уйғотди. Улар чақалоқни дарҳол туғруқхонадаги тадқиқот марказига жўнатишди. Маълум бўлишича, унинг қорнида ҳар қайсиси беш ойлик эгизаклар бор экан. Бироқ текширилганда бу ҳомилаларнинг ўлик экани аён бўлган.

Бу ғаройиб ҳодисани шарҳлаган доктор Озторпакнинг таъкидлашича, бундай воқеа биринчи марта 1805 йили қайд этилган ва медицинада "Fetus in fetu" (яъни " бола ичидаги бола"), дейилади. Жаҳон медицина амалиётида бундай ҳодиса учинчи марта рўй бериши, дейди олим.

ҚАШШОҚ МИЛЛИОНЕР

Римдаги машҳур Треви фавворасини томоша қилган ҳар бир сайёҳ унга бир неча мис чақа ташлаши шарт.

Битта чақа ташласа, демак, сайёҳ бу қадим шаҳарга яна келишга муяссар бўларкан. Иккита чақа ташлаган киши эса, албатта, римликка ошиқ бўлиб қолади, дейилади. Уч дона мис чақа ташланса, бу италиялик билан никоҳдан ўтишни "кафолатлармиш".

Мана шундай таомил Римга ташриф буюрган кўплаб сайёҳларнинг ёдида туради ва улар Треви фавворасига мис чақа ташлашни унутишмайди. Қизиғи шундаки, бу ажойиб фавворанинг "эгаси" бор экан. Роберт Черчеллетти деган ҳеч қаерда ишламайдиган бир қашшоқ ризқини шу фавворадан топади. Сувга ташланган мис чақалар — унинг ризқ-рўзи. Бир йилда Черчеллеттининг фавворадан олиб чиқадиган чақалари 150 минг долларга етаркан.

Рим шаҳри ҳокимияти бу кимсани "тадбиркорлик"дан маҳрум этишга бир неча бор уриниб кўрди. Бироқ ҳар гал ишсиз Черчеллеттининг қўли баланд келди. У ҳар гал ногиронлик гувоҳномасини рўкач қилиб, ишсизлигини пеш қилиб, бир бурда нон топишга йўл қўйишмаётганидан ёзғириб, ҳатто ўз жонига қасд қилиш билан қўрқитиб, қутулиб кетади.

Охир-оқибат ҳокимият уни судга бериб, "меҳнатсиз даромад"ини қирқмоқчи бўлди. Бироқ бундан ҳам бир иш чиқмагач, гадони ўз ҳолига қўйишди. Суд қарорида айтилишича, Треви фавворасига ташланган чақалар ҳеч кимнинг хусусий мулки эмас, демак, уларни хоҳлаган одам йиғиб-териб олиши мумкин. Ҳарқалай, энди Черчеллетти ўзининг икки ҳамтовоғидан ташқари бирор кимсани Треви фавворасидан "даромад" олишга йўлатмаса керак.

ШАФҚАТСИЗ «ФОЛБИН»

Одам боласининг табиати қизиқ: жуда кўп нарсани билишга қизиқади. Шу жумладан, умри қандай ниҳоя топишини олдиндан билиш ҳам кўпчиликни қизиқтиради. Испан тилидаги интернет-сайтлардан бири мана шу эҳтиёжни қондириб, эътибор қозонишга эришди.

Бу интернет-сайт саҳифаларидан фойдаланувчиларга йигирма уч саволдан иборат тест таклиф этилди. Унда, масалан, "Машинани тез ҳайдашга ишқибозмисиз?" ёки "Бирор марта ўз жонингизга қасд қилишга урингансизми?" деган саволлар бор. Сайт муаллифлари тест саволларига рост жавоб беришга чақириб, акс ҳолда "башорат" тўғри чиқмаслигидан огоҳлантирган. Саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб берганлар шавқатсиз жавобларни олишади. Масалан, фалон куни, фалон йили сиз беҳуш ҳолатга тушасиз ва сизни ҳушингизга келтиришолмайди. Ёки "сиз автоҳалокатга учраб ҳалок бўласиз, машинани маст ҳолатда бошқарганингиз бунга сабаб бўлади". "Башоратчи" сайт айни пайтда Лотин Америкаси мамлакатларида жуда машҳур бўлиб кетган.

КАСПАРОВ «ЖУНИОР»НИ ЕНГАДИМИ?

Шу йил 1-13 октябр кунлари Куддусда собиқ жаҳон чемпиони Гарри Каспаров Исроилда яратилган "Жуниор" номли компютер билан куч синашади.

Кўплаб мутахассислар эътирофича, "Жуниор" бугунги кунда дунёдаги шахмат программасига асосланган суньий интеллектлар орасида энг ишончли ва пухтаси. ФИДЕ бу мусобақа учун бир миллион доллар миқдорида мукофот ажратган. Мана шу мусобақа билан бир пайтда исроиллик ва фаластинлик ўсмирлар ўртасида ҳам шахмат беллашувини ўтказиш мўлжалланган. "Ҳозиргидай мураккаб шароитда, — дейди Халқаро шахмат федерациясининг президенти К.Илюмжинов, — ФИДЕ тинчликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида".

Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси ва "Дийдор" театр-студияси жамоаси театрнинг бадиий раҳбари Эргаш Масофоевга акаси

Кўчқор МАСОФОЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маданият ишлари вазирлирги, "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси ва "Театр" журнали жамоаси журналнинг масъул котиби Матлуба Маҳкамовага падари бузруквори

ТЕМУР отанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Маданият ишлари вазирлиги ва "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят театрининг етакчи санъаткори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Файзулло АБДУЛЛАЕВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин биродарларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекфилм» акциядорлар жамияти жамоаси таниқли актёр Фотиҳ Жалоловга турмуш ўртоғи

Дилноза ЖАЛОЛОВАнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ҳар тил қудратининг чексизлигига
Алишер Навоий қўйди эътиқод.
Тимсол этиб тилим тенгсизлигига
"Хамса" ҳайкалини айлади бунёд.

Тиним нелигини биларми замон,
Қанча ўзгартирди сувлар йўлини.
Бироқ бизнинг элда ўшандан буён
Шоир туғиляпти суйиб тилини.

Ушбу сатрлар ёш шоир Асрор Мўминнинг "Таваллуд" деб номланган янги китобчасидан. "Таваллуд" — Асрор Мўминнинг иккинчи шеърий тўплами. Унга муаллифнинг Ватан мадҳи, она юрт кўрки, меҳр-оқибат, муҳаббат мавзуларидаги

Доимий ҳамроҳ

сара шеърлари жамланган. Шоир шеърларида инсоний фазилатларни улуғлайди, дилкаш, меҳр-оқибатли бўлишга даъват этади ва айни пайтда қорин ғамидан бошқасини хаёлига келтирмайдиган, катта мақсадга эга бўлмаганларни фош этади.

"Таваллуд" шеърлар китоби Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида (2002 йил) минг нусхада чоп этилган. Муҳаррир Ж.Субҳон.

Сувон МЕЛИ

ҲАЗИЛЛАШМАНГ ДАҲО БИЛАН

ёхуд ким ҳақ — Фитрат ёки Навоий?

Бадиият даҳолари инсон ақли ва руҳиятининг сирли чўққиларидир.

Олимлар ҳисоб-китобича, инсоният тарихидаги чин даҳолар сони тўрт юздан ошмас экан.

Даҳолар кўтарилган маснад анчайин юксак. У ерда қоим бўлган маъною мантиқ қуйироқдагилар учун маънисиз туюлиши мумкин. Лекин даҳонинг маънисизлиги — ўзи маъни.

Айрим тадқиқотчилар Шекспир асарларида учрайдиган баъзи кам-кўстлар, мантиқсизликлар ҳақида гапирадилар. Шулардан бири "Қирол Лир" трагедиясидаги Масхара образи хусусида. Маълумки, асарнинг III-парда, 6-саҳнаси сўнгида шундай ремарка мавжуд: "Кент, Глостер, Масхара Лирни олиб чиқиб кетадилар" (Шекспир В. "Танланган асарлар", Беш жилдлик, II-жилд, 123-бет). Шундан сўнг Масхара қайтиб саҳнага чиқмайди, асар давомида у ҳақда лом-мим дейилмайди. Бу тадқиқотчиларга Шекспир Масхарани эсдан чиқариб юборган, деган дастакка сабаб бўлади.

Шундаймикан?

Сўз аввалида асар сюжети ҳақида икки оғиз гап.

Қирол Лир, Добролюбов топиб айтганидек, "Қўлидаги ҳокимият туфайли эмас, ўзим ўз ҳолимча буюкман, деган мағрур ақида оғушида" ҳокимияттдан ихтиёрий воз кечади. Мамлакатни мунофиқ қизларига бўлиб беради. Тўғри сўз, самимий кенжа қиз Корделия меросдан маҳрум этилади. Ҳокимият тизгинини қўлига олган икки қиз кекса оталари, собиқ қиролни кўчага ҳайдайдилар.

Ушбу жараёнларда Масхара Лирга ҳамроҳлик қилади. Шекспиршунос А.Аникст ёзганидек, "Масхара трагедияда комик хор вазифасини ўтайди. Аниқроғи, заҳарханда ва истеҳзоли хор вазифасини".

Масхара охирги марта кўринадиган саҳнада бош қаҳрамон Лирнинг аҳволини кузатайлик. Асар қаҳрамонларидан бири Кент сўзидан:

"У шу ерда. Ухлаб қолди. Озор бермайлик. Унинг эси айниб қолди..."

(Ғафур Ғулом таржимаси)

Ақлдан озган Лирга унинг Масхараси, собиқ қирол устидан кулиш орқали уни тўғри йўлга чақирадиган куч нимага керак? Лир бу мақоматни босиб ўтган. У эски ёлғон тасаввурлар чангалидан чиқиб — айниб қолган эс орқали — янги олий ҳақиқат томон қадам қўймоқда. "Лир ақлдан озганда ҳамма нарсани англаб етади" (Ҳегел). Бошқача айтганда, ақлдан озганда ақли киради.

Куни кеча оқпадар қизларини, бутун чор-атрофни ғазаб ва шиддат билан айблаб юрган Лир энди йўқ. У шундай олий тўхтам-қарорга келган:

"Айбдор йўқ! Бунда ҳеч ким айбдор эмас! Ҳаммангизни мен оқладим..."

Масхаранинг аччиқ истеҳзо-киноясларига чўлғанган Лир бундай тўхтамга кела олмасди. Зеро, Масхара алоҳида мумтоз образ бўлиб, у аввалги Лирнинг "alter ego"си, яъни иккинчи "мен"идир. Бу дегани, аввалги Лир вужудида Масхарага, унинг тафаккур тарзига хос жиҳатлар бисёр бўлиб, муайян нуқтада бундай жиҳатлар йўқолади. Масхара кераксиз матоҳга айланади. Лир аввалги Лир эмас. Айни шу ерда Масхара қумга сингган ирмоқ сувидай сассиз-овозсиз йўқолиб қолса, не ажаб.

Руҳан қайта туғилган Лирда Масхарага, яъни ўз-ўзини назорат қилишга энди зарурият ҳам йўқ, куч ҳам. Зеро, Масхара образи моҳиятини ташкил этувчи аччиқ киноя инсон ўзини-ўзи четдан туриб кузатиш, таҳлил қилиш қуролидир.

Олий ҳақиқатга киноя ёт. Киноя ожиз ва аламзадалар қуроли.

Кўринадики, Шекспирнинг эътиборсизлиги, камчилиги бўлиб туюлган ҳолат даҳонинг улуғ фикр намойиши бўлиб чиқмоқда.

Баъзан ҳазрат Навоий ижодидан ҳам камчилик излашади ва топгандек бўлишади ҳам.

Маълумки, истиқлол шарофати билан собиқ совет замонида таъқиққа учраган қатор асарлар эълон қилинди, халқимизга қайтарилди. Шулардан бири XX асрда яратилган янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири аллома Абдурауф Фитратнинг 1926 йили Тошкентда нашр этилган янги давр ўзбек адабиёти назариячилиги бўйича илк қўлланма бўлмиш "Адабиёт қоидалари" филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоевнинг мазмундор сўзбошиси ва батафсил изоҳлари билан қайта нашр этилди. Яъни ноёб бир асар қайтадан ишлай бошлади.

Ушбу асарда Фитрат домла бир-икки ўринда Алишер Навоийга жиндек тегиниб ўтганларки, шулардан бирига тўхталсак. Ул зот "Қайтиш (ружуъ)" санъати ҳақида сўзлаб, қуйидагиларни ёзадилар:

"Кўруларким, қайтишда сўнгроғи фикрнинг бурунги фикрдан кучли бўлиши лозим. Шундай бўлмагач, қайтишнинг маъноси қолмайдир.

Навоийнинг:

Бўлмаса ишқ, ики жаҳон бўлмасун,
Ики жаҳон демаки, жон бўлмасун —

деганидаги қайтиш мана шундай кераксиз қайтишлардандир.

Чунки, бу "ики жаҳон бўлмасун" деганига рози бўлмай, "йўқ, жон бўлмасун" дейдир. Ҳолбуки, иккинчи фикри биринчи фикридан кучсиздир" (Абдурауф Фитрат, "Адабиёт қоидалари", Тошкент, 1995, 74-бет).

Шундаймикан?

Ушбу қўшмисра "Хамса"нинг концептуал мужаррад достони "Ҳайратул аброр"нинг тўққизинчи мақолатидаги "Ишқ ўти таърифидаким..." деб бошланувчи бобидан. Унда ҳазрат Навоий уч ҳодиса — ишқ, икки жаҳон ва жон муносабатини бадиий тадқиқ саҳнига қўяётир.

Фикримизча, нафақат достон, балки бутун "Хамса"даги таянч нуқталаридан бири бўлмиш мазкур байтда улуғ шоир нега "жон"ни "икки жаҳон"-дан юксак мавқега қўймоқда? Нега "жон"ни махсус санъати ружуъ орқали таъкид ила ишққа вобаста этмоқда — "Бўлмаса ишқ... жон бўлмасун"? Шунинг учунки, "жон" бирламчи, "икки жаҳон" жондан кейин, унга тобе. "Жон" борлиги туфайлигина "икки жаҳон" мавжуд. "Икки жаҳон" муайян даражада макон, жон эса ломакон. (Жон танда вақтинча муқим бўлиши моҳиятни ўзгартирмайди.)

Маълумки ҳазрат Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонида "Кунту канзан" сирри" ҳақида гап бор. Бу қудсий ҳадиснинг қисқа номи бўлиб, унда Оллоҳ инсонга қарата дейди: "Я ибна адама инни кунту канзан мухфийян фа аратдту ан уърифа фахолақтул холқа — Эй одам фарзанди, албатта, мен бир махфий кон эдим, бас, ўзимни ошкор этиб танилайин, деб ирода қилдим ва бутун халқни яратдим". ("Ҳадиси қудсий", "Мовароуннаҳр", Тошкент, 1992, 24-бет).

Қодир Оллоҳ одамни яратиб, унга жон ато этиш орқали танилмоқни истаган. Махфий кон кўз-кўз бўлишни хоҳлаган, унинг тажаллиси, жилваси инсон, яъники "жон". "Ҳақ жамолияти тажаллиси" (Ҳазратнинг "Хамсатул муттаҳаййирин" асаридаги ибора) айни "жон"да зоҳирдир.

"Жон" нафақат "икки жаҳон", балки ўн саккиз минг оламнинг кўзгуси. Кўзгусигина эмас, бор қилувчиси, борлигининг оқловчиси. "Жон" бўлмаса, "жон" яралмаса "махфий кон"дан бошқа ҳеч ким бўлмасди. "Жон" борки, "икки жаҳон" бор, жаҳоннинг бир-иккилиги бор. "Икки жаҳон"га баҳо бор.

"Жон" ўз маъшуқаси (яратгани) билан узвий алоқада. Жонон — беҳад жозиба маскани Ҳақ таолодир. "Лисон ут-тайр"да халқ "Мажнун Алҳақ" ("Ҳақ йўлидаги девона") деб от қўйган бир олийсифат девона ҳақидаги ҳикоятни эслайлик.

Ошиқликнинг олий рутбаси — Яратганга ошиқлик. Ошиқнинг жони ҳамиша жонон билан банд:

Ғайр хаёлин чиқориб жонидин,
Мамлу этиб жонини жononидин.
Нуқтада мойил тили ҳар сўзга йўқ,
Жонида жонон ғамидин ўзга йўқ.

Мазкур мисралар ўша "Ишқ ўти таърифидаким..." бобидан. Бунда тушунилиши қийинроқ сўзлардан "мамлу этиб" "тўлдириб" маъносини англатади.

"Жонон"дан айрилиш (ҳажр) "жон" учун шу қадар оғирки, у ўзидан, ўзлигидан кечишга ҳам тайёр. Ҳазратнинг машҳур ғазалидан бир байт:

Ҳажр ўлумдан талх эмиш, бундан сўнг, эй гардун мени
Айлагил жондин жудо қилғунча жонондин жудо.

Лекин бундай бўлмайди. Бундай бўлиши мумкин эмас. Негаки жononга шунчалик шаҳд билан талпинган "мен" ва "жон" ни " гардун" ҳам аяйди, ҳойнаҳой. "Жонон"дан жудо бўлмаган, у билан жonажон "жон" — абадийдир. Афлотун ҳаким ёзади: "Одамдаги жон ўлмасдир ва у (заминда) яшашдан тўхтаса-да — буни ўлим деб атайдилар — қайта тирилади, лекин ҳеч қачон ўлмайди".

Ибн Сино фикри янада аниқроқ: "Ақлан фаҳмланадиган тасаввур-образлар манбаи бўлмиш оқил жон танда муҳрланмаган ва танга мутлақ боғлиқ ҳолда мавжуд эмас, чунки тан оқил жоннинг қуроли, дастагидир. Шундай бўлгач, жоннинг дастаги ва жон билан алоқа тутувчи бўлган таннинг маҳв бўлиши жон субстанциясига зарар етказмайди, негаки жон абадий субстанциялар шарофати билан мангу мавжуддир".

Жон Биру Бор зот, Ҳақ таолонинг сирли энергияси, куч қудратидан учган бир чўғ кабидир. Чўғ ўзи учган чўнг гулханга қайта интилади. "Ишқ, — деб ёзади Афлотун "Базм" асарида, — яхлитликка иштиёқ ва яхлитликка интилиш демакдир".

Жон — тилсим. Қуръони каримда айтилганидек, "(Эй Муҳаммад), сиздан руҳ — жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: "Руҳ — жон ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир" ("Ал-исро" сураси, 85-оят). Демак, тилсимнинг калити Ўзининг қўлида. Шоирнинг «Билмайман, ҳеч қачон билмайман» сатри айни шу ерда қоимдир. Зотан, билмасликни билиш ҳам ҳикмат.

Нега "жон" "ишққа" бу қадар вобаста. "Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ" — бу "Бўлмаса ишқ..." байтидан кейинги мисра. Демак, ишқсиз тан зоҳиран тирик бўлса-да, асли ўлик, жони йўқ. "Жон" эса фақат "ишқ" билан орулангандагина ўз Эгасига муносиб. Ишқ жоннинг олий сифоти. Ушбу олий сифотга эга бўлмаса, ҳазрат Навоий наздида, жоннинг бўлмагани яхши.

Жон икки жаҳон ичида эмас, икки жаҳон абадий тирик жон тасарруфида мавжуд. Ҳазрат Навоий бу ўринда ҳар қандай жонни эмас, Жонон билан яқпора, якжиҳат жонни кўзда тутмоқда. Айни шундай Жон икки жаҳондан мўътабар, чунки у Жononга дохил. У жонон (Ҳақ-таоло)нинг тажаллиси, жоиз бўлса, эркатойи. Шунинг учун байтдаги иккинчи фикр биринчисидан муқаррар кучлидир.

Кўринадики, ҳазрат Навоийнинг "Бўлмаса ишқ..." байти, Фитрат домла ёзганларидек, "кераксиз қайтишлардан" бўлмай, зимнида улуғвор маъно жо бўлган чўнг теософик фикр бўлиб чиқмоқда.

Хуллас, бир донишманд кулибгина айтганидек, ҳазиллашманг Даҳо билан...

ЭЪЛОН

Ташкилот 168 мм. ўлчамли газета қоғози сотади. *Телефон:* **133-49-93**

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг инвестициялар бош бошқармаси «ДЎСТЛИК» меҳмонхонаси тугатилганини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент, Ц-4, 7/8
Телефон: 139-04-29

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Сафар ОЛЛОЁР
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 770. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6365.